O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

O'zbekiston adabiyoti va san'ati

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ

Haftalik gazeta • 1956-yil 4-yanvardan chiqa boshlagan • uzasziyoli@list.ru • 2007-yil, 11-may • № 19 (3899)

УЙҒОҚ ХОТИРА

Мамлакатимизда Юртбошимиз ташаббуси билан Хотира ва қадрлаш куни деб эълон қилинган 9 май кенг нишонланди. Шаҳар ва қишлоқларда, меҳнат жамоаларида инсон хотираси ва қадрига бағишланган маданий-маърифий тадбирлар бугун ҳам давом этмоқда.

Байрам куни, одатдагидек, пойтахтимиздаги Хотира майдони уруш ва меҳнат фахрийлари, ҳукумат аъзолари, депутатлар ва сенаторлар, ҳарбийлар, жамоатчилик вакиллари, ёшлар билан гавжум бўлди. Давлатимиз раҳбари ҳарбий оркестр ижросидаги мусиқа садолари остида майдонга алоҳида салобат ва улуғворлик бахш этиб турган Мотамсаро она ҳайкали пойига гулчамбар қўйиб, Иккинчи жаҳон урушида жон фидо қилган минглаб юртдошларимиз хотирасига ҳурмат бажо келтирди.

— Мана шундай улуғ кунда ўзининг инсоний бурчини адо этиб, жанггу жадалларда ҳалоқ бўлганлар, бугунги тинч ва осуда кунларга етиб келмаганлар хотираси олдида ҳамиша бош эгамиз, — деди Ислом Каримов. — Айни пайтда орамизда яшаётган уруш қатнашчиларини ҳар қанча қадрласак арзийди. Уларнинг дуолари эзгу ишларимизда бизга ҳамиша қанот бағишлайди.

Бу галги байрам "Ижтимоий ҳимоя йили"да нишонланаётгани, яқинда Президентимизнинг "Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида"ги Фармони эълон қилингани кекса авлод вакилларига доимий равишда кўрсатилаётган алоҳида ғамхўрликнинг ўзига хос ифодаси бўлди. Президентимиз таъкидлаганидек, Ватан озодлиги йўлида қурбон бўлган фидойи инсонларни ёдга олиш, улар хотирасини абадийлаштириш, жасоратларини унутмаслик, инсонни ҳаётлигида қадрига етиш, ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш биз учун ҳам фарз, ҳам қарз бўлиши керак.

Қадрлаш — атрофимизда биз билан бирга умргузаронлик қилаётган инсонларни асраб-авайлаш, қадрига етиш, оғирини енгил қилиш, зарур бўлса ёрдам қўлини чўзиш деганидир.

Инсон ҳаёти абадий эмас, аммо унинг хотираси, эзгу амаллари келажак авлодлар ёдидан асло кўтарилмаслиги лозим. Агар миллат ўзининг келажагини порлоқ ва нурафшон кўрмоқчи бўлса, унинг хотираси ҳамиша уйғоқ бўлмоғи шарт. Бунинг боиси, ҳар қандай халқ ва миллат кечаги ҳаётидан, ўзи босиб ўтган оғир ва машаққатли кунлардан, тарих синовларидан зарур хулоса чиқарсагина тараққиётга эриша олади.

Президент Хотира ва қадрлаш кунини нишонлашнинг маъно-моҳиятига яна бир бор эътиборни қаратди. Эришилган ғалабанинг аҳамиятини кўрсатиш билан бирга, тинчликнинг нақадар улуғ неъмат эканлигини чуқур англамоқ, одамларни ҳушёрликка, огоҳликка даъват этмоқ керак. Бу туйғуни миллатнинг эртаси бўлган ёшлар қалбига, онг-шуурига сингдирмоқ зарур. Чунки, дунёнинг кўплаб нуқталарида ҳамон уруш ҳаракатлари, зўрлик, зўравонлик, ҳарбий қудратни намойиш этиш давом этмоқда. Таассуфли жойи шундаки, бу ҳаракатлар кўп ҳолларда бирор бир мамлакатнинг манфаатларини ҳимоя қилиш ниқоби остида амалга оширилаётир.

Инсон хотираси, қадри ва эъзози бир кунлик эмас. Шу боис бугун гавжум бўлган бу муқаддас майдондан йил давомида зиёратчиларнинг сафи узилмайди. Улар бу ерга фарзандлари, набиралари билан келадилар. Томоша ёки сайр учун эмас, тинч ва осуда ҳаётимизнинг қадрини ҳис этиш, шу азиз Ватан манфаатларини ҳимоя қилиш, уни кўз қорачиғидек асраб-авайлаш, келажак наслларга қолдириш учун келадилар.

А.ТЎРАЕВ (ЎзА) олган сурат.

ФИКР – НУР КАЛИТИ

Ёшлигимда қишлоғимиз оқсоқолларидан эшитган ушбу тавсиф ҳамон ёдимда: "Ўзи дуруст йигит, аммо гапининг ушови йўқ..."

Гапнинг ушови қандай бўлишини кейин-кейин тушуниб етдим. Ушов — бу фикр, гапнинг мағзи, керакли жойи, индаллоси. Синчков киши ҳузурига келган одамнинг мақсад-муддаосини бир-икки жумладаёқ англайди, англадим дейди. Аммо сўзловчининг сўзида фикр, мағиз бўлмаса-чи?

Донишмандлар фикрни ҳаётнинг жон булоғига қиёслашган. Фикрлаяпманми, демак яшаяпман, дейишган. Ва яна "Фикрлашдан тўхтаган одамнинг умри ҳам тўхтайди, энди у фақат мавжуд бўлиб қолади", дея ўзларига ўзлари сабоқ беришган, бу аччиқ ҳақиқатдан бошқаларни ҳам огоҳ қилишган.

Фикр жамиятни ривожланиш ҳолатида ушлаб туради. Фикрлар хилма-хиллиги мавжуд экан, баҳс-мунозара юритиш имкониятига эга эканмиз, ҳаётимиз, шубҳасиз, тараққиёт сари юз буради. Бордию бунинг акси бўлиб, фикр мудрай бошласа, у ҳолда жамият ҳаёти тараққиётдан, янгиланишдан тўхтайди. Президентимиз Ислом Каримовнинг "...ҳақиқатни топиш учун қарама-қарши фикрларни ўртага ташлайлик: Талабалар, зиёли ёшларимизнинг ўзи керакли хулосани чиқариб олишсин", деган сўзлари замирида ҳам айни шу маъно бор.

Файласуфлар "Фикрдан фикр унади", дейишади ва буни узоқ тушунтиришади, оддий халқ бўлса оддийгина қилиб "Гапнинг тагида гап бор", дейди-қўяди. Фикрдан фикр униши учун жамиятнинг ўзида фикрга, янгича таклиф ва мулоҳазаларга эҳтиёж бўлиши керак. Ҳар бир суҳбат, маъруза ёки мулоқот, баҳс-мунозара "Хўш, бошқа фикрлар ҳам борми?" деган савол билан тугаши лозим. Бир мақсад йўлидаги бошқа таклифларни ҳам эшитмоқ зарур. Бир қарашда ўта жўн бўлиб кўринган оддий мулоҳазада ҳам, эътиборга арзирли фикрлар бўлиши мумкин.

Фикрсизлик иллати шўролар салтанатининг пойини қирқди. Миллатни ҳайбаракаллачига айлантириб қўйди. Собиқ тузум бу ҳолатни узоқ йиллар давомида гулдурос қарсаклар билан хаспўшлаб келди. Шу боис, кейинги пайтларда ёшлар орасида олиб борилаётган маънавий тарбия ишида баҳс-мунозарага алоҳида эътибор берилаётгани, "Бунёдкор", "Заковат", "Ёш нотиқ" каби клублар, ёш лидерларнинг мунозара давралари ташкил этилаётгани, сиёсий партияларнинг ёшлар қаноти шаклланаётгани қувонарли ҳолдир.

Муҳаррир минбари

Шундай давралардан бири бир неча йиллардан бери Гулистон Давлат университетида фаолият олиб бормоқда. Фаол талабаларнинг мустақил давлатимизнинг жаҳон ҳамжамиятида тутган ўрни, ижтимоий-сиёсий мавқеи, маданий-маърифий алоқалари, келажак истиқболи тўғрисидаги журъатли мулоҳазалари ёшларимизнинг бугунги тафаккури нечоғли ўзгарганлигидан далолат беради. Келгусида улар орасидан иқтидорли сиёсатдонлар, дипломатлар, миллат корига ярайдиган зиёли мутахассислар етишиб чиқишига асло шубҳа йўқ.

Фикр ривожини таъминлаш, илмий тафаккурга рағбат уйғотишда оммавий ахборот воситаларининг ўрни беқиёсдир. Матбуотимиз саҳифаларида жамоатчилик вакиллари, куюнчак фидойиларнинг турфа хил фикр-мулоҳазалари, соғлом нуқтаи назарлар қанча кўп бўлса, ҳақиқатни англаш, адолатли ечимларни топиш имконияти шунча ошади. Афсуски, биз бугун айни шундай мақомга эриша олдик, дея айта олмаймиз. Газета-журналларимиз саҳифаларида ҳамон воқеа-ҳодисаларни шунчаки қайд этувчи енгил-елпи хабарлар, саёз таҳлиллар кўплаб учрайди. Газетхонни ўйлантирадиган, илмий мушоҳадага чорлайдиган, дунёқарашини бойитадиган мақолалар онда-сондагина эълон қилинади. Тижорат нашрларининг саҳифалари эса фикрни чалғитувчи, илм-тафаккур йўлини эмас, бошқа енгил йўлларни зимдан тарғиб этувчи мақолалар билан тўла. Хусусий радиоларимиз эса ёшларни ўқишдан, илм олишдан чалғитиб, эртаю кеч SMS йўллашга даъват этиш билан банд. Ёш авлодни аниқ фанларга, жумладан, илмий-техника ютуқларига, ихтироларга қизиқтирувчи нашрларимиз эса жуда ҳам кам. "Тафаккур"да эълон қилинган Абдулла Аъзамнинг "Фан ва дин: Қайта тирилиш", Баҳодир Зокирнинг "Ғарб тамаддуни: Инқироз аломатлари" каби мақолалар кўпайса қанийди.

Шу мулоҳазаларни қоғозга тушираётганимда таҳририят почтасида иккита янги нашр — "Фикрат" ва "Ирмоқ"деб номланган журналлар пайдо бўлди. Мени қувонтиргани — ҳар иккиси ҳам ўқувчини фикр майдонига етаклайди.

"Фикрат" Лев Толстойнинг "Иқрорнома" асаридан олинган иқтибос ҳамда Абу Ҳомид Ғаззолийнинг тафаккур фазилатига доир қўйидаги фикри билан бошланади: "Суннатда бир соат фикр қилиш бир йиллик нафл ибодатдан яхшидир", деган маъно ворид бўлган. Аллоҳнинг китобида ҳам тадаббур ва эътибор, мулоҳаза ва тафаккур хусусида кўп тарғиблар бор. Фикрнинг нурлар қалити ва фаҳмлаш ибтидоси экани сир эмас. У илмларни овлайдиган тўрдир..."

Алихонтўра Соғунийнинг ушбу таҳлили журнал ўқувчилари эътиборини тортиши мумкин: "Нима учун кейинги асрларда Туркистон халқи жоҳилият ботқоғига ботди? Бунинг бош сабаби — динни асоси билан тушунмаган илм-маданият душманлари ҳокимият тепасида бўлдилар. Ўзларини дин ҳомийлари деб эълон қилиб, халқни маърифат нуридан маҳрум, замонавий фанний илмлардан бутунлай йироқ тутдилар... Шунинг учун Туркистон халқининг ичида уйғониш, фикр очилиши бўлмади. Давлатнинг инқирози, миллатнинг онгсизлигига шу жоҳиллар сабабчидур".

Журнал саҳифаларида эълон қилинган "Қалб хасталиги шифоси"да Ҳасан Басрий меросидан баҳраманд бўламиз: "Кунларнинг бирида бир обид йигит билан Басра бозорида оломон орасида айланиб юриб, бир табибни учратдик. Табиб хонтахта олдида ўтирар, ҳузурида эркаклар, аёллар, ёш болалар туришар эди. Ҳамманинг қўлида идиш бўлиб, ичида сув бор эди. Ҳар бир киши табибдан касалига қандай шифо топишни сўрар эди. Шунда ҳалиги обид йигит табибга яқинроқ бориб, "Эй табиб, сизда гуноҳларни ювиб, қалб хасталигига шифо берувчи дори борми?" деб сўради. Табиб эса шундай деди: "Шундай дори бор, бунинг учун қўйидаги ўнта нарсани қилгин: Тавозеъ ва камбағаллик дарахтининг илдизини олгин. Уни тавба ўсимлигига аралаштиргин. Ризо ҳавончасига солгин. Қаноат дастаси билан майдалагин. Тақво қозонига ташлагин. Ҳаё сувидан қуйгин. Муҳаббат олови ила қайнатгин. Шукр косасига қуйгин. Умид совутгичи билан совутгин. Ҳамд қошиғи билан ичгин. Ана шуларга амал қилсанг, албатта, ҳар касалликка ва дунё-охиратдаги балоларга фойда беради".

Ҳам илмий-маърифий, ҳам ижтимоий йўналиш олган "Ирмоқ" журнали ўзининг дастлабки саҳифасидаёқ ўқувчини ўйлашга ундайди. Чунончи, "Ҳаёт қурашдан иборат" деган ибора, эътироф замирида қандай маъно ётади? Ахир, кураш дегани олишув, тўқнашув, кимнидир енгиш, йиқитиш ёхуд йўқ қилишга қаратилган ҳатти-ҳаракат эмасми? Наҳотки ҳаётнинг мазмуни шулардан иборат бўлса? Балким бошқачароқдир, одамлар бир-бирларига меҳр-оқибат кўрсатсалар, қўллаб-қувватласалар, елкадош бўлсалар, бир-бирларига қарашсалар — балким шудир умрнинг мазмуни...

Бу фикрга кимдир қўшилиши, кимдир қўшилмаслиги мумкин. Гап мана шунда. Қўшилмаган одам учинчи бир фикрни ўртага ташлаши ва онг-шууримизга мутлақо янги бир ҳақиқатни нақшлаши мумкин. Таҳририят, афтидан айни шу мақсад йўлида иш бошлаган. Менга шахсан мия фаолияти ва имкониятлари тўғрисидаги мақола ўринли кўринди. Устоз шифокор Наби Мажидов бундан анча йиллар аввал Мия институтини ташкил этиш таклифи билан чиққан эди. "Мотуридийнинг машҳурлиқ сабаби", "Стресс ва унинг чоралари" (Ҳар икки сарлавҳада ҳам бироз сакталик бор) мақолалари, "Мангуликка дахлдор Мангуберди" тадқиқоти журналхонларда жиддий қизиқиш уйғотиши табиий.

Бугун янги газета ёки журнал билан ўқувчини ҳайратга солиш қийин. Оммавий нашрларимиз сафи деярли ҳар ҳафтада кенгайиб бормоқда. Уларнинг ҳаммаси ҳам яшаб кетаётгани, ўз сўзи ва йўлини топиб олаётгани йўқ, албатта. Аммо "Фикрат" ва "Ирмоқ" каби бизни тафаккур оламига етаклашга бел боғлаган, фикрсизлик чин маънода иллат эканлигини уқдираётган нашрларга ҳар жиҳатдан хайрихоҳ ва кўмакдош бўлишимиз керак, деб ўйлайман.

Марғилон — 2000

ҲУНАРМАНД ШАҲАР

Марғилонликларнинг дастурхони ҳеч қачон кам бўлмайди, чунки "ҳунари бор хор бўлмас" дейди халқимиз. Муболаға бўлса ҳам айтиш лозимки, марғилонликлар ҳунар билан бирга катта бўлади. Болалар ҳунарни аввало уйида, хонадонида ўрганади. Чунки, ҳар бир хонадон соҳиби — ҳунарманд. Бу анъанага боболар асос солган. Шўролар замонида косибчилигу ҳунармандчилик таъқиқланганда ҳам Марғилон ўзининг "Ипак йўли" шаҳрилигини сақлаб қолди, ота-боболар удумларига содиқ қолди. Марғилонда биронта ҳунар тури йўқолиб кетгани йўқ. Мустақиллик замонида Марғилон ҳунармандчилиги гуриллаб яшнаб кетди, хонадонларга қутбарака ёғилди.

Ҳунарини қайтариб берди. 2000 йиллик устахоналаримизни тартибга солди. Уларни режа-дастур асосида қуряпмиз. Ҳукумат ҳам қуряпти, биз ҳам қуряпмиз". Бу — марғилонлик ҳунармандларнинг мен эшитган дил сўзлари...

Марғилонликлар чорҳунар келади. Айниқса, оилавий ҳунармандчиликда чорҳунарлик ривож топган. Бу дегани, иқтисод термини билан айтсак, оилавий ҳунармандлар замонавий маркетингдан аллақачонлардан бери фойдаланиб келадилар. Шу боис ҳам уч-тўрт ҳунарни қиёмига етказиб ўрганадилар.

— Ҳунар бу — риёзат чекишдир, — дейди қирқ беш ёшларни қоралаган чорҳунар оила бошлиғи Аҳмаджон ота.

Хаёл суриб кетаман. Ҳа, риёзат чекиб меҳнат қилсагина, нони ҳалол-да ҳунарманднинг. Кўплаб саволларимга жавоб топаман: атласининг тозалиги шундан, дўпписининг машҳурлиги шундан, остонасининг тиллолиги шундан, қўшиғининг баравжлиги шундан, ширмонининг ширинлиги шундан. Санайверсам, адоғи йўқ.

Ҳунарманд шаҳар экологик тоза ҳам бўлади. Бу ёғидан келсангиз, марғилонликларнинг асосий ҳаракатланиш воситаси — велосипед. Велосипед машинага ўхшаб тутун пуркамайди.

— Ҳар бир хонадонда бир ҳунар бор-да, қўл қовуштириб ўтирилмайди, — дейди шаҳар ҳунармандлари уюшмаси раиси Наримон Шодиев. — Президентимизнинг касаначилик тўғрисидаги қарори марғилонликлар учун айни муддао бўлди-да, ҳозир бу соҳа ҳам ривож топяпти.

Дарҳақиқат, қай бир хонадонга кирманг, бугунги истиқлол яратиб берган ишонч, оилага меҳр, даврга шукроналиқнинг гувоҳи бўласиз.

2000 йиллик тантаналар яқинлашиб келар экан, хонадонингизда ҳунармандлик руҳи кезаверсин, азиз ҳунармандим, Марғилоним, дейман.



Ҳунармандчилик соҳаларини ҳам, элга таниқли ҳунармандларни ҳам санамоқчи эмасман, ҳунарли элга таъзим қилмоқчиман, холос.

Марғилон ҳунармандлари билан суҳбатлашсангиз, бугун уларнинг боши осмонда. "Мустақиллик ота-боболаримизнинг ҳамма

Тилаволди ЖЎРАЕВ

МУҲОКАМА ДАВОМ ЭТМОҚДА

Ўзбекистон Республикасининг фан ва техника, адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳасидаги Давлат мукофотларига қўйилган ишлар муҳокамаси давом этмоқда.

Ушбу жараёнда илмий-ишлаб чиқариш бирлашмалари, корхоналар, ташкилотлар, илмий муассасалар, илмий-техник жамиятлар, олий ўқув юртлари, олимлар ва мутахассислар, шоир ва ёзувчилар, маданият ва санъат арбоблари ҳамда кенг жамоатчилик вакиллари фаол қатнашмоқдалар. Марказий газета ва журналларда мақолалар нашр этилмоқда, телевидение ва радио орқали қатор материаллар эфирга узатилмоқда, жойларда тегишли ишларнинг муҳокамаси билан боғлиқ учрашувлар ўтказилмоқда. Мазкур тадбирларда мукофотга тавсия этилган ишларнинг илмий-бадиий савияси, мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ва илмий-техник тараққиётига қўшган ҳиссаси, жамиятнинг маънавий-маърифий ривожланишидаги ўрни, амалиётга жорий этилиши, халқаро миқёсда ҳамда мамлакатда эътироф этилгани, жамоатчиликнинг баҳоси тўғрисида фикр-мулоҳазалар билдирилмоқда.

Давлат мукофотлари бўйича Кенгаш шўъбаларида ўтказиладиган муҳокамалар давомида мазкур маълумотларга асосланилади. Кенгашнинг санъат ва меъморчилик соҳаси бўйича шўъбасида куни кеча бўлиб ўтган навбатдаги йиғилишда бу борадаги жорий ишлар муҳокама этилди. Муҳокама жараёни якунланиш арафасида эканлиги боис, номзодлар бўйича фикр-мулоҳазалар баён этилган ҳужжатлар қуйидаги манзилга юборилиши зарур:

Фан ва техника соҳаси бўйича: 100047, Тошкент шаҳри, Яҳё Ғуломов кўчаси, 70, 320-хона, тел. (371-) 1335946;

Адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳалари бўйича: 100129, Тошкент шаҳри, Алишер Навоий кўчаси, 30, 1-қават, 21-хона, тел. (371-) 1394957, 1443190.

АШХАБОДДА ХАЛҚАРО ФЕСТИВАЛ

Алишер Навоий номидаги Наманган вилоят мусиқали драма ва комедия театри ҳамда Қорақалпоғистон Давлат ёш томошабинлар театри ижодий жамоалари Ашхобод шаҳрида ўтказилган "Миллий фолклор ва театр санъати" халқаро фестивалида иштирок этдилар.

Фестивалнинг тантанали очилиш маросими мамлакат бош драма театри майдонида фестивал қатнашчиларининг оммавий сайли ҳамда мусиқий-театрлаштирилган чиқишлари билан бошланди. Наманган театри санъаткорлари машҳур "Наманганнинг олмаси" қўшиғи билан Ўзбекистон Республикаси вакилларининг чиқишларини бошлаб, дастурга ўзгача шукуҳ бахш этдилар.

Махтумқули номидаги миллий мусиқали драма театри саҳнасида намойиш этилган ёш режиссёр Шуҳрат Абдуллаев саҳналаштирган "Боғ" комедияси фестивал иштирокчиларига манзур бўлди. Асосий ролларни Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Карима Расулова, Алижон Тожибоев, актёрлар Меҳрихон Абдуллаева, Садриддин Саримсоқов, Бахтиёр Жалилов, Баҳодир Жўраев, Авазбек Қодиров, Азиза Каримова, Дилфуза Қодирова ижро этдилар.

Фестивалда, шунингдек, Россия Федерацияси Марказий академик Давлат қўғирчоқ театрининг "Чўртан балиқ амри билан", Чита вилояти драма театрининг "Рус тузи", Қорақалпоғистон давлат ёш томошабинлар театрининг "Тўққиз маҳмадона ва бир ишбилармон", Туркия Республикаси Диёрбекир Давлат театрининг "Темир тўнли", Эрон Ислом Республикаси соялар театрининг "Жаноб олийлари — камина", Туркия Республикаси Истамбул шаҳар муниципал катта театрининг "Жазолаш қонуни", Туркманистон рус давлат драма театрининг "Кетма", Махтумқули номидаги туркман мусиқали драма миллий театрининг "Тўрабек хоним" сингари асарлари кўрсатилди.

Салкам икки соат давом этган гала концерт якунида фестивал қатнашчиларини тақдирлаш маросими бўлди. Наманган вилоят театри актрисаси Меҳрихон Абдуллаевага "Аёл образининг саҳнадаги энг яхши ижрочиси" йўналиши бўйича сертификат ҳамда қимматбаҳо совға топширилди.

Лутфиддин ҒАФФОРОВ

ЁШ ҚЎШИҚЧИЛАР ФЕСТИВАЛИ

"Ўзбекистон — Ватаним маним" анъанавий қўшиқ фестивали давом этмоқда. Яқинда Мирзо Улуғбек туманидаги "Трактор" санъат саройида туман халқ таълими бўлими "Камолот" ҳамда Ўқувчилар ижодиёти марказининг туман бўлими ташаббуси билан ёш истеъдодлар беллашуви бўлди.

Фестивалда туман халқ таълими бўлими тасарруфидаги мактаблар ҳамда Ўқувчилар ижодиёти маркази қошидаги бадиий жамоалар концерт дастурлари билан қатнашди. "Ниҳол" гуруҳи, Н.Ортиқова раҳбарлигидаги рақс дастаси, Ўқувчилар ижодиёти маркази қошидаги вокал гуруҳи бадиий жамоаси танлов ғолиби деб топилди. "Бундай танловлар энг истеъдодли, санъатга иштиёқи баланд ёшларни кашф қилиш, уларни қўллаб-қувватлаш мақсадида ўтказилмоқда, — деди Мирзо Улуғбек тумани Ўқувчилар ижодиёти маркази директори Гулираъно Абдураззоқова. — Ёшлар бизнинг келажагимиз. Албатта, уларнинг қайси соҳага қизиқишларини, иқтидорларини аниқлаб, кўмак берилса, ўйлаймизки, келгусида ўз соҳаларининг етук мутахассислари бўлиб етишадилар".

Ширмоной АСРАНОВА

АРДОҚЛИ ХОТИРАЛАР

Севимли адибимиз Ғафур Ғулом ўзининг ажойиб қаҳрамони Шум болани асар давомида сеҳрли диёр — Ҳиндистонга сафар қилдириши режалаштирган эди. Аммо кейинчалик, баъзи сабабларга кўра, бу фикридан қайтган. Бу ҳақда адибнинг ўзи ўтган асрнинг 30-йилларида ёзган эди.

Бироқ шоирнинг "афсонавий мамлакат", "эртаклар юрти" дея ном олган ҳиндлар диёрига қизиқиши тобора ортиб борган. Бунга сабаб, эҳтимол, ҳинд адабиёти, санъати ва урф-одатларининг ўзбекларга яқин бўлганидир.

Ҳиндистон Англия мустамлакасидан қутилиб, мамлакат маданий ҳаётида туб бурилишлар, ривожланишлар рўй бераётган даврда Ғафур Ғуломнинг у ердаги шоир ва ёзувчилар билан адабий алоқалар, дўстлик ришталарини боғлагани эътиборга молик.

50-йилларнинг бошида Америка атом қуроли синови авжга чиққан бир пайтда тинчлик тарафдори бўлган мамлакатлар зиёлилари ушбу муаммо юзасидан тез-тез

конференциялар ўтказишарди. Шундай конференцияларнинг бирида Ж.Неру рус ёзувчиларидан Н.Тихонов, А.Сурков, тожикистонлик М.Турсунзода ва ўзбек шоираси Зулфияга "Нилуфар" тинчлик мукофотини топширганди.

Шу йиллардан бошлаб ўзбек-ҳинд маданий алоқалари чин маънода ривожланди. Робиндранат Тагор, Прим Чанд каби кўплаб атоқли ҳинд адибларининг асарлари ўзбек тилига таржима қилина бошланди.

1955 йили Прим Чанднинг 75 йиллик юбилейи Тошкентдаги Ҳамза театрида нишонланадиган бўлди. Унда дадам машҳур ҳинд адиби ҳаёти ва ижоди ҳақида маъруза қилдилар.

Шу йили ўзбек халқи кўнглидан муносиб жой олган актёрлар Раж Капур ва Рита пойтахтимизда меҳмон бўлишди. Ўйимиз ёнидаги "Ёшлар кўли" (ҳозирги "Миллий боғ")нинг ёзги театрида меҳмонлар иштирокида катта учрашув бўлди. Учрашувдан сўнг бизнинг уйдаги меҳмондорчиликда Раж Капур ва Саттор Ярашев "Дайди" филмидаги қўшиқни биргаликда куйлашганини маҳалламиздагилар ҳали-ҳануз хотирлаб юришади.

1955 йили Тошкентга тинчлик миссияси билан келган Кришнан Чандр, 1958 йили эса Тинчлик конференцияси муносабати билан Осиё-Африка ва Лотин Америкасидаги 30 мамлакатдан ташриф буюрган 500 дан ортиқ ёзувчи ва шоирлар ҳам хонадонимизда меҳмон бўлишганди. Меҳмондорчилик асносида ажиб суҳбатлар қуришар, янги асарларини бир-бирларига туҳфа этишарди. Дадамнинг "Ҳинди-рус бҳай-бҳай", "Бизнинг уйга қўниб ўтинг, дўстларим" сингари шеърларига илҳом берган ҳам айнан ўша учрашувлар, бўлса ажаб эмас.

1960 йили дадамнинг "Тарихий муносабатлар" сарлавҳали мақоласи эълон қилинди. Унда бобурийлар сулоласининг ҳинд давлатчилиги ва маданиятига қўшган улкан ҳиссаси дунё тарихчилари томонидан юқори баҳоланганлиги, Махатма Гандининг озодликка чанқоқ таълимоти ҳинд халқига мадад бергани ҳақида сўз юритилган эди.

1961 йилнинг ёзида дадамнинг таклифи билан таниқли ҳинд адиблари — Гурбахш Синг ва ўғли Навтеж Синг уйимизда меҳмон бўлишди. Бир ойлик сафар давомида ҳинд ёзувчилари дадам ҳамроҳлигида бутун Ўзбекистонни кезиб чиқишди. Улар пахта далаларида, яйлову-ўтовларда, меҳнаткашлар даврасида бўлиб, ўзбек халқининг меҳмондўстлиги ва очиқкўнгил эканини кўрдилар, урф-одатларимиз ўхшашлигини эътироф этдилар.

Бир гал водий сафаридан қайтишаётганда Гурбахш отанинг кўзи довон бағрида — тоғ биқинида жойлашган ўтовга тушиб, унинг нималигига қизиқибди. Дадам машинани тўхтатиб, меҳмонларни ўша томонга бошлабди.

Ўтовдан уларга ёш келин пешвоз чиқиб, "ғалати" салла ўраган меҳмонларни кўриб ҳайратланган бўлса, дадамнинг бошидаги дўппини кўриб анча дадилланибди. Шу вақт уларни узоқдан кузатиб келаётган ўтов соҳиби — чўпон йигит азиз меҳмонлар оёғи остига қўй сўйибди. Синглар гўшт емаслигини айтгач, исмалоқ сомса билан меҳмон қилишган экан. Кутилмаганда шунча иззат кўрган ҳинд адиблари таржимон ёрдамида мезбонларга қайта-қайта ташаккур айтишибди.

Бизникида Синглар меҳмонда бўлган пайтда Зулфия опаникига машҳур ҳинд шоираси Амрита Притам келган эди. Опа хонадони ҳам мушоира-ю учрашувларга тўлиб-тошганди.

Хуллас, ҳинд-ўзбек адабий алоқалари негизида ривож топган дўстлик ришталари ҳар икки халқ маданияти учун ҳам аҳамиятли бўлди. Ҳинд дўстларимизнинг ўзбек адибларига ёзган хатлари, туҳфа этган асарлари Ғафур Ғулом уй-музейида ҳануз ўзгача ардоқ билан сақланади.

ОЛМОС

"Ўзбекистон адабиёти ва санъати"нинг шу йил 2 март сонида публицистлар Нусрат Раҳмат ва Мурод Абдуллаевнинг сув муаммоларига доир "Бир мавзуда икки фикр" рукни остида эълон қилинган мақолаларини катта қизиқиш билан ўқиб чиқдим. Мен биолог олимман. Шу сабабли ҳар икки мақолада тилга олинган обиҳаётдан тежамли технологиялар асосида фойдаланиш, юртимизнинг тоғли ҳудудларини ўрмонзор ва боғларга буркаб сувимиз баракасини ошириш, фаровонлик неъматларини кўпайтиришга доир фикр-мулоҳазалар кўпчиликни бефарқ қолдирмайди, деб ўйлайман.

БОДОМЛАР ГУЛЛАГАН ҚИРЛАР

Она сайёра — кўриқхона

Шу ўринда И.Мичуриннинг шўролар мафкураси ўзига байроқ қилган "...Биз табиатдан инъом-эҳсон кутиб ўтирмаймиз. Унинг бойликларини олиш бизнинг вазифамиз" деган шиорини яна бир бор эслаш фойдадан ҳоли эмас. Она ер бойликларига нисбатан бундай очкўзларча муносабат ҳудудимиз табиатини қандай аҳволга солиб қўйганига бугун бутун дунё гувоҳ бўлиб турипти. Шимол дарёлари сувининг бир қисмини жанубга оқизиш режаси ҳам Орол муаммосини ҳал этмаслиги ҳаммага равшан.

Ўтган асрнинг 60-70-йиллари жуда кўп журналистларимиз Мирзачўл гулистонга айланди, деб мақола ва рисолалар ёзишди. Сирдарё сувининг чўлга келиши туфайли бу жойларда янги қишлоқ ва қўрғонлар барпо этилди. Одам борган жойга файз киради. Бу ҳақиқатни ҳеч ким инкор этмайди. Шунинг учун ҳам Мирзачўлда олмали боғлар гуллаб, таъми тилни ёрадиган қовунлар машҳур бўлди. Бироқ бугун унинг жуда катта қисмида сизот сувлари кўтарилиб ернинг шўрланиши кузатилмоқда. Полиз экинларининг илгариги сифатини сақлаш қийин кечаётир. Боғлар ҳам тўрт-беш йил ўтиб тез қариб қолмоқда. Нафақат Мирзачўл, Бухоро, Навоий, Хоразм вилоятларида 70-80-йилларда далага бир марта яхоб суви бериб яхши ҳосил олган деҳқонларимиз, бугун бу амални икки-уч бор такрорлашга мажбур бўлишмоқда.

Бунинг сабаби шундаки, ҳудудимизда деҳқончилик мақсадида фойдаланилган оқова шўр сувлар жаҳон уммонларига чиқиб кетадиган йўл йўқ. Дарёлардан келадиган сувнинг ҳаммаси шу жойда тўпланади. Ундаги тузлар бирор жойга чиқиб кетмаганидан чучук сув муаммосини ҳал этишни қийинлаштиради.

Сибирдаги қишлоқ ва шаҳарлар, ўрмонларни сув босишига келсак, тошқинлар фақат бу ўлканинг шимолига таҳдид солаётгани йўқ. Евроосиёнинг ўрта қисмларида ҳам бундай муаммолар бор. Ҳозир Дунай, Рейн, Одер ва бошқа бир қатор дарёлар ўтадиган ҳудудларни ҳар йили сув босаяпти. Лекин у ерларда ҳеч ким ўша дарёлар сувини Испания, Португалия чўлларига буришни таклиф қилаётгани йўқ. Бу мамлакатларда ҳам суғориш учун сув етарли эмас. Испанияда сув муаммоси биздагидан ҳам оғир. Шу сабабли улар сувни тежашнинг муқобил йўлларидан фойдаланишади. Ёғинлар кўп пайтлари ёмғир сувлари суғориладиган далаларга тўпланади. Сув танқис ойларда эса ундан енгил қувурлар орқали адирлар ва тоғ ёнбағирларидаги бодомзор ва зайтунзорлар суғорилади.

Биз хизмат сафари билан Испанияга борганимизда бу манзарани ўз кўзимиз билан кўрдик. Андалусиянинг тоғ ёнбағирлари ва адирларидаги боғлар қувурлардан берилаётган обиҳаёт билан томчилатиб суғорилаётганини гувоҳи бўлдик. Тоғ этакларидаги бодомзорлар жуда катта майдонни эгаллаган. Таржимоннинг айтишича, феврал ойларида тоғ ёнбағирлари оппоқ қорга буркангандек бўлиб кўринаркан. Бу қор эмас, бодомлар гуллаган пайтда боғлар қор ёққандай оппоқ бўларкан. Демак, қурғоқчил ҳудудларда ҳам боғларни яшнатиш мумкин экан.

Шунинг учун биз ҳам юртимиз экинзорларининг сувга бўлган эҳтиёжини тўкисроқ таъминлаш мақсадида сувдан фойдаланишнинг янги, замонавий усулларини қўллай бошлашимиз зарур. Ички имкониятларимиздан келиб чиққан ҳолда сув танқислигини ҳал қилишга ёрдам берадиган муқобил усулларни ишга солишимиз керак. Бундай имкониятлар эса албатта мавжуд. Бунинг учун зироатчиликда "томчилатиб ва ёмғирлатиб суғориш", саноат ва турмушда эса оқова сувларни тозалаб улардан қайта фойдаланиш янги технологияларни жорий этиш мумкин.

• Дарахт — обиҳаёт манбаи
• Лалми ернинг мўл ҳосили
• Бир стакан сувнинг ўзи кифоя

Ёғингарчилик кўп бўладиган тоғолди ҳудудларида сел сувларини йиғадиган сув омборлари қуриш тажрибаси бизда азалдан мавжуд. Фақат бу сувдан, аввало, ўша сув омборлари атрофидаги тоғолди ва қир-адирларда боғу экинзорлар барпо этиш учун фойдаланилса, обиҳаёт уларга замонавий усуллар билан узатилса мақсадга мувофиқ бўларди. Шу ўринда сурхондарёлик миришкор деҳқон, машҳур фермер Курбон Амирқуловнинг "Тақдир битиклари" китобидан бир парча келтирмоқчиман: "...Бойсунда сув танқис, лалми ерлар кўп. Ўтган асрнинг 50-йилларида ҳам сув танқислигига қарамасдан деҳқонлар лалми ерлардан яхши ҳосил кўтарган. Чунки улар баҳорги ёмғир сувларини жамлаб, икки марта суғориб, гектаридан 20 центнергача ҳосил олганлар. Болалигимда ўзим кўрганман, ёмғир ёққан пайтда қишлоқ эркаклари чакмонини бар уриб, липпасини қайириб, ёмғир суви билан лалми ғаллани суғоришар эди. Ота-боболаримизнинг мана шундай ўзига хос деҳқончилик маданияти қаёққа йўқолди?" Демак, сувдан тежаб фойдаланиш тажрибасини фақат чет элдан эмас, ўз анъаналаримиз, деҳқончилик маданиятимиздан ҳам қидиришимиз керак. Минг йиллар мобайнида яшаб келган бу анъана ва тажрибалар фақат шўролар даврида унутилди-ку. Истиқлол йилларида миллий маънавий қадриятларимизни тиклаётганимиз каби халқимизнинг кўп асрлик зироатчилик ва суғориш маданиятини ҳам тиклашимиз керак.

Сув танқислигини камайтирувчи йўллардан яна бири шўрланган сувлардан фойдаланишдир. Бундай сувлар миқдори ҳудудимизда йилдан-йилга кўпайиб бормоқда. Биргина Арнасой — Ҳайдаркўл сув ҳавзасини оладиган бўлсак, мутахассисларнинг таъкидлашича, унда Орол денгизининг йигирма фоизга яқин суви тўпланган. Унинг узунлиги 300 км.дан ортиқ, кенглиги эса айрим жойларда 10 км.дан кўпроқдир. Кўлнинг шўрланиш даражаси шундайки, бир литр сувга уч грамм туз тўғри келади. Ҳозир кўпгина мамлакатларда қишлоқ хўжалик экинларининг шўрга чидамли навлари яратилмоқда. Шундай экинлардан бири шолидир. Японияда шолининг шўрга чидамли нави яратилган. Бу нав бир литр сувда ўн граммгача туз бўлган шўр сувда ҳам ўсар экан. Арнасой сувларидан ана шундай навларни етиштириш учун фойдаланиш имкони мавжуд.

Ва ниҳоят, сув танқислигини нисбатан ҳал этиш мумкин бўлган йўллардан яна бири бу — ер ости чучук сувларидан фойдаланишдир. Албатта, ер ости сувлари ҳам чексиз эмас, бироқ сув танқислиги ўта юқори бўлган ҳудудларда бу усулдан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Айниқса, куни билан жўмрагини очиб қўйиладиган, томорқага қувурлардан сув оқизиладиган жойларда бу усул қўл келади. Айрим ташкилотларнинг ўз кўкламзор жойлари ва гулзорларини суғориш учун ер ости сувларидан фойдаланаётганлари яхши.

Албатта, айтилган тадбирлар катта меҳнат ва маблағ эвазига амалга оширилади. Лекин бу маблағлар тезда қопланиб кетади.

Юқорида тилга олинган ҳар икки мақолада ҳам сувни тежашнинг асосий йўлларидан бири тежамкорлик ва бу ҳолни биз бутун дунёда урф бўлаётганини кўрмоқдамиз деб таъкидланган. Ҳақиқатда ҳам чет элларда нафақат давлат ёки сувдан фойдаланувчи саноат ва қишлоқ хўжалиги ходимлари, балки ҳар бир инсон сувни тежашга ҳаракат қилади. Дўстларимиздан бирининг ўғли хизмат сафари билан Берлин шаҳрида ижарада яшаганида онаси уни кўргани борди. Меҳмон эрталаб уй эгаси бир стакан сувда тиш юваётганини кўриб, ўғлидан нима учун уй бекаси жўмракдаги сувдан фойдаланмаётганини сўрабди. Ўғли унга сувни тежаб ишлатиш зарурлиги учун шундай қилинишини тушунтириб берибди. Демак, биз ҳам сувдан фойдаланиш маданиятига риоя қилиб, ёшларимизни бунга тезроқ қўниктиришимиз зарур экан.

Аслида сувни тежаб ишлатиш, унинг тозалигини сақлаш ота-боболаримиздан қолган удумлардан бири. "Сувга тупурма", "ариқ атрофини тоза тут" каби ўгитлар бежиз айтилмаган. Аждодларимиз асрлар мобайнида яратган маънавий бойликлар, табиат ва атроф-муҳитни асраб-авайлаш, миллий анъана ва қадриятларни ҳимоя қилишни ёшларимизга сингдириш жамиятнинг ҳар бир онгли аъзоси, айниқса олиму мураббийларнинг муқаддас вазифасидир.

"Олисдаги ...сув" мақоласида таъкидланганидек, бизга тарихдан ҳам яхши маълумки, ўтмишда барча тоғларимиз қалин ўрмонларга бой бўлган. Дарҳақиқат, ўша ўрмонларнинг қолдиқлари ҳозир ҳам бор. Масалан, Зомин тоғларидаги Миллий боғ ҳудудида Тахтиқорача довонидаги арчазор каби қалин ўрмонзорлар мавжуд. Шу ўринда "Нима учун бошқа жойларда ўрмонлар кам ва бутунлай қолмаган?" деган савол туғилади. Аввало, Марказий Осиёнинг жуда кўплаб ўрмонларига бир ярим асрдан кўпроқ давом этган Чингизхон истилоси даврида қирон келтирилган. Ундан қолган-қутган ўрмонларга эса янги истилочилар ғайрикўз билан қарашган. Чор ҳукумати, кейинчалик шўролар қимматбаҳо дарахтларга эга бўлган ўрмонзорларимизни аёвсиз кесиб, дарахтларни буғда ишлайдиган паровозларга ишлатишган. Яна бир қисмини эса чет элларга сотишган. Ўрмонзорлар камайиб боришидан ваҳимага тушган чор ҳукумати корчолонлари поездларни келажакда нима билан юргизамиз деган ташвишда уларни қайта тиклаш учун маблағ ажратишга мажбур бўлган. Бироқ нефт ва газ конларининг кашф этилиши билан бу жараён ўз-ўзидан тўхтаб қолган.

Ҳозир юртимиз тоғлари ва тоғ ёнбағирларида ўрмонлар, боғлар яратилмоқда. Бу борада машҳур олимимиз, раҳматли академик Маҳмуд Мирзаевнинг ибратли ишларини айтмасдан бўлмайди. Чирчиқ ўрмон хўжалигида бир неча минг гектар майдон ўрмонлаштирилгани шундан далолатдир. Бу ўрмонзорларнинг асосий вазифаси эриган қор ва ёмғир сувларининг оқиб кетишини камайтиришдан иборат. Канал, ариқ ва далалар атрофидаги дарахтлар ҳам сувнинг буғланишини камайтиради, ҳам ер ости сувлари сатҳини пасайтиради, атроф-муҳитни мусаффолаштириб, микроиқлимни вужудга келтиради. Шу маънода дарахтлар ҳам сув манбаи десак асло муболаға бўлмайди.

Мустақилликка эришганимиздан сўнг, маънавият ва тарбия масалаларига янгича ёндашув қарор топа бошлади. Бу жараённинг миллийлигига алоҳида аҳамият берилмоқда. Чунки маънавияти юксак одам яшашдан мақсад нима эканлигини яхши англайди. Ҳар бир масалага инсоф ва адолат нуқтаи назаридан ёндаша олади. Ўзига номуносиб турли иллатлар, шу жумладан, исрофгарчиликка ҳам барҳам беради.

Демак, маънавият ва маърифатимиз, миллий онг ва экологик тафаккуримиз савиясини кўтариш аҳолининг кенг доираларида сувдан тежаб фойдаланишга доир анъаналарни шакллантиради, исрофгарчиликнинг олдини олишга ёрдам беради, деб умид қилиш мумкин.

Абдукарим ЗИКИРЯЕВ,
биология фанлари доктори

Тақриз

"АСОС УЛ-БАЛОҒА"ДАН БОШЛАНГАН ЗАҲМАТ

Тиламиздаги 80 мингдан ортиқ сўз ва сўз бирикмалари изоҳланган 5 жилдли янги луғат нашр этила бошланди.

Тилнинг бойлигини тайин этадиган омилларнинг асосийларидан бири ундаги сўз хазинасининг рангинлик ва зангинлик сифатидир. Айни пайтда, жамият тарихининг баланд-паст воқеаларидан тортиб, жаҳоншумул ҳодисаларгача, шубҳасиз, тилнинг ана шу ҳажмдор ганжинасида ўз аксини топади. Дангал айтиш мумкинки, жамият тарихи — сўз тарихи, сўз тарихи эса жамият тарихидир. Сўзларни, аниқроғи, муайян давр сўзларини сурати, сийрати ва бутун синоати билан сақлайдиган сандиқ, албатта, луғатлар эканлиги маълум. Машҳур француз адиби Анатол Франс "Луғат алифбо тартибидаги бутун оламдир", деган гапни жуда ҳам топиб айтган.

"Алифбо тартибидаги бутун олам"ни яратишнинг мушкулотларини мутахассислар яхши биладилар. Ҳатто: "Агар бирон кишини жазолаш лозим бўлса, уни уриш-сўкиш шарт эмас, энг маъқули, унга луғат туздириш керак", қабилидаги ҳазиломуз гап ҳам бежиз пайдо бўлмаган. Ўзбек луғатчилиги тарихида ана шундай "жазо"ни шараф деб билган фидойи алломалар меҳнати маҳсули бўлмиш луғатлар борки, улар нафақат ўзимизда, балки дунё луғатшунослиги фанида ва луғатчилиги амалиётида кенг эътироф этиб келинмоқда. Улардан айримларини эслашнинг ўзи кифоя: Маҳмуд Замахшарийнинг "Асос ул-балоға" асари ва тўрт тилли "Муқаддимат ул-адаб" луғати (XII аср), муаллифи номаълум "Ат-туҳфатуз-закияти фил луғотит-туркия" луғати (XIII аср), Толе Имони Ҳиравийнинг "Бадое ул-луғат"и (XV аср), "Абушқа" шартли номи билан танилган луғат (XVI аср), Муҳаммад Ёқуб Чингийнинг "Келурнома"си (XVII аср), Муҳаммад Ризо Хоксорнинг "Мунтахаб ул-луғот"и (XVIII аср), Мирзо Маҳдийхоннинг "Санглоҳ"и (XVIII аср), Сулаймон Бухорийнинг "Луғати чиғатоий ва турки усмоний" асари (XIX аср) ва бошқалар.

Ўтган асрда ҳам кўплаб турли типдаги луғатлар яратилди. Улар орасида 60 мингдан ортиқ сўз ва иборани ўз ичига олган икки жилдли "Ўзбек тилининг изоҳли луғати" (М., 1981) ҳам бор. Бу луғат ЎзФА Тил ва адабиёт институти олимлари томонидан юртимизда шаклланган луғатчилик анъанаси ва тўпланган бой тажрибага асосланган ҳолда яратилди. Шубҳасиз, бу асарни яратиш учун мутахассислар катта меҳнат сарф қилганлар. Луғатда сўзларнинг содда ва сифатли лексикографик тавсифига эришилган. Аммо шунга қарамасдан, мустақиллик арафаларида ва мустақилликнинг илк йилларида бу луғат анчайин эътирозларга сабаб бўлди, жиддий танқид объектига айланди. Луғатда "русча-байналмилал" сўзларнинг беҳад кўплиги, унда ўзбек тили бойлигининг етарли даражада акс этмаганига асосий эътибор қаратилди. Чиндан ҳам, бу эътирозларда ҳақиқат бор. Миллий менталитетимиз ва минг йиллик маданиятимизу маънавиятимизнинг мағзи-моҳиятини тайин этадиган жуда кўп тушунчаларни ифодалайдиган, масалан, *ажр, азиз-авлиё, ворисийлик, маънавият, миллатпарвар, қадрият* каби бир қанча сўзларга мазкур изоҳли луғатда жой топилмаган эди. Биргина *маънавият* сўзини олиб кўрайлик. Бу сўз англатган тушунчани Юртбошимиз мана бундай таърифлаган: "...Ер, оила, ота-она, болалар, қариндош-уруғлар, қўни-қўшнилар, халқ, мустақил давлатимизга садоқат, инсонларга ҳурмат, ишонч, хотира, виждон, эркинлик — маънавиятнинг маъноси ана шундай кенг... Маънавият — инсоннинг, халқнинг, жамиятнинг, давлатнинг куч-қудратидир. У йўқ жойда ҳеч қачон бахт-саодат бўлмайди. Нафақат кўҳна тарих, балки янги тарих ҳам бунинг кўплаб мисолларини беради". Афсуски, ўзбек тилидаги бу каби хос сўзлар мазкур луғатдан ташқарида қолган эди.

Ўзбекистон мустақилликка эришиши билан халқимизнинг бебаҳо мулки бўлмиш ўзбек тили ривожида тамомила янги давр бошланди. Она тилимиз давлат тили, деган олий рутбага эга бўлиб, юртимизда барқарорлашган одил тил сиёсати туфайли ҳар тарафлама эмин-эркин такомил йўлига тушиб олди. Мамлакатимизда ҳеч бир истисносиз барча соҳаларда мунтазам амалга оширилаётган бениҳоя қўламли ислоҳотлар, янгиланишлар, жаҳоннинг катта-кичик давлатлари билан тобора кучайиб бораётган самарали алоқалар тилимиз луғат хазинасининг янада бойиб боришига, янгиланишига ўзининг баракали таъсирини кўрсатмоқда. Пайдо бўлаётган янги-янги тушунчаларни ифодалаш учун, аввало, ўзбек тилининг ўз ички имкониятлари тўласича ишга солинмоқда, янги сўзлар ясалмоқда, эскирган сўзлар "тирилтирилмоқда", тил табиатига уйғун тарзда уларга янги маънолар юкланмоқда. Зарур ҳолатларда эса, хорижий тиллардан бошқа тил воситачилигида эмас, балки тўғридан-тўғри ва меъёрга амал қилган ҳолда сўзлар ўзлаштирилмоқда. Ана шу тарзда мустақиллик даврида тилимизнинг луғат бойлиги таркибида жиддий ўзгаришлар юз берди.

Табиийки, бу улкан маънавий хазинани энди янгидан муфассал тўплаш ва тавсифлаш учун фавқулодда катта эҳтиёж туғилди. Ана шунинг учун ҳам, маънавиятни давлат сиёсатининг устувор йўналиши деб эълон қилган ҳукуматимиз махсус қарор ва дастур қабул қилди (Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 10 сентябрдаги 311-сонли қарори). Унда ўзбек тилининг кўп жилдли янги изоҳли луғатини тузиш вазифаси ҳам кўрсатиб ўтилган. Шу вазифанинг ижроси ўлароқ, ЎзФА Тил ва адабиёт институти олимлари томонидан янги 5 жилдли "Ўзбек тилининг изоҳли луғати" (А.Мадвалиев таҳрири остида) яратилди, унинг дастлабки икки жилди "Ўзбекистон миллий энциклопедияси" давлат илмий нашриётида босмадан чиқди.

Аввало, 80000 дан ортиқ сўз ва сўз бирикмасининг изоҳини ўз ичига олган бу фундаментал асарнинг юзага келишида академик А.Ҳожиев, профессор Э.Бегматов, Э.Умаров, Н.Маҳкамов, А.Мадвалиев, З.Мираҳмедова, Д.Худойберганова, М.Содиқова каби таниқли тилшуносларнинг, таҳрир ҳайъати раҳбари профессор Т.Мирзаевнинг машаққатли меҳнатларини алоҳида эътироф этмоқ лозим.

Таъкидлаш керакки, луғат муаллифлари ўз мақсадларини тўғри ва аниқ белгилаб олганлар. Улар асосий эътиборни ҳозирги замон ўзбек тилининг кенг истеъмолдаги сўз бойлигини тўплаш ва тавсифлашга қаратганларки, бу йўлни маъқуллаймоқ жоиз.

Луғатга умумистеъмолдаги сўзлар билан бир қаторда, қўлланилиши чегараланган сўзлар ҳам киритилган. Бунинг учун илмий асосланган аниқ тамойиллар белгилаб олинган ва шунга суянган ҳолда иш тутилган. Масалан, баъзи терминлар (*акция, иқтисод, кўпайтирув, шудгорлаш, эмлаш* каби), айрим касб-ҳунарга оид сўзлар (*арра, искана, чарх, эгов* каби), сўзлашув нутқига хос бир қатор сўзлар (*бирам, кетворган, муллажиринг, шунақанги* каби) кўпчилик қўллайдиган ва тушунадиган бўлганлиги учун луғатдан жой олган. Ёки кўпчилик шеваларда ва ёзма манбаларда учрайдиган *манглай, қўноқ* каби, адабий тилда варианти бўлмаган, муайян шеваларда қўлланадиган *арна, арчимоқ, елвизак* каби сўзларнинг луғатга киритилиши фойдали бўлган. Тарихий ва эскирган сўзларнинг муайян қисми ҳам изоҳланган. Мустақиллик даврида бошқа сўзлар билан алмаштирилган *минут (дақиқа), область (вилоят), район (туман)* каби сўзларнинг луғатдан жой олганлиги ҳам тўғри бўлган. Албатта, бундай сўзларнинг адабий тилга муносабати тегишли белгилар (*с.т.* — сўзлашув тилига оид, *махс.* — касб-ҳунарга оид, *шв.* — шева, *эск.* — эскирган сўз каби) ёрдамида алоҳида қайд этилган.

Илгариги изоҳли луғатга турли важ-корсонлар билан киритилмаган *ажр, азиз-авлиё, азизламоқ, азозил, айтим, айтишув* каби юзлаб сўзларнинг бу луғатда батафсил ўз изоҳини топганлиги алоҳида диққатга сазовордир. Мамнуният билан таъкидлаш лозимки, эски давр сиёсати зуғуми билан атеистик нуқтаи назардан тавсифланган жуда кўп сўзлар чин имон-эътиқод билан холис, аниқ изоҳланган. Масалан, *Аллоҳ* сўзининг тавсифини олиб кўрайлик. Эски луғатда: "**ОЛЛОҲ** [*а*] *дин.* Гўё бутун мавжудотни, жумладан, одам, ҳайвон ва бошқа жонивор-ларни йўқдан бор этган, яратган ва буларнинг тақдирини ўз қўлида тутиб турувчи деб тасаввур этиладиган илоҳий куч; худо, тангри, парвардигор". Янги луғатда Аллоҳнинг биру борлигига шак келтирилмаган: "**АЛЛОҲ** [а ... — илоҳий куч, худо] Ислом динида бутун мавжудотни яратган олий илоҳий куч; худонинг номи (Кейинги йилларда маҳаллий талаффузга мос ҳолда "Оллоҳ" тарзида ҳам қўллана бошлаган ва қўлланяпти)". Бундай рост ва расо тавсифлар намуналари луғатда бисёр.

Янги изоҳли луғатни мутлақо янги жамият — мустақил Ўзбекистон ҳаётининг кўзгуси, дейиш мумкин. Ижтимоий-иқтисодий, маданий-маънавий, сиёсий соҳалардаги ислоҳотлар самараси сифатида юзага келаётган ҳилма-ҳил, янги ва янгиланаётган тушунчаларни ифодаловчи сўз ва иборалар луғатда ўзининг теран тавсифини топган. Масалан, илгари капиталистик мамлакатлар иқтисодиётидаги тушунчалар тарзида талқин этилган *акциз, акция, акциядор* каби бир қанча сўзлар бугун мамлакатимизда қарор топаётган бозор муносабатларидаги янги тушунчалар сифатида луғатдан ўрин олган. Луғатдаги ҳар бир сўз ёки турғун сўз бирикмасига берилган лексикографик тавсифнинг кенглиги, батафсиллиги, тушунчага бевосита дахлдор маълумотларни мухтасар тарзда қамраб олиши таҳсинга лойиқдир. Айтиш мумкинки, луғат билан танишиш юртимиздаги қўламли янгиланишларни барала тасаввур этиш имконини беради.

Тақриз

Бошқа тиллардан ўзлашган сўзларнинг этимологияси — келиб чиқиши ҳақидаги маълумотларнинг берилиши ҳам изоҳли луғатнинг қимматини янада оширган. Албатта, хилма-хил тиллардан бундай маълумотларни тўплаш жуда қийин ва машаққатли иш, аммо муаллифлар бунинг уддасидан чиққанлар. Масалан, *алгоритм* сўзининг изоҳи билан танишайлик: "**АЛГОРИТМ, алгорифм** [*лот.* Aigorithmi — X асрда яшаган буюк ўзбек математиги Ал-Хоразмийнинг номидан]. Маълум бир турга оид масалаларни ечишда ишлатиладиган амалларнинг муайян тартибда бажарилиши ҳақидаги аниқ қоида (дастур)". Бундай энциклопедик маълумот сўз маъносини изловчи учун беҳад фойдалилиги шубҳасиз.

Муаллифлар сўз маъноларини аниқлаш ва тавсифлашга катта ҳажмдаги фактик материаллардан келиб чиққан ҳолда ўта синчковлик билан ёндашганлар. Натижада кўплаб сўзлар маъноларининг янгича тавсифини берганлар, мавжуд маъноларнинг барчасини қамраб олишга ҳаракат қилганлар. Масалан, илгари *алп* сўзининг биргина фолклордаги "баҳодир, паҳлавон" маъноси қайд этилган бўлса, янги луғатда бу сўзнинг биринчи маъноси "қадимги туркий халқларда икки қўшин ўртасидаги жанг бошланишидан олдин яккама-якка олишувда иштирок этувчи жангчи" эканлиги ҳаққоний равишда кўрсатилган.

Янги луғатда ўзбек тилининг бой фразеологик иборалари хазинаси ҳам деярли тўла аксини топган десак, муболаға бўлмайди. Айни пайтда, ўз маъноси билан турғунлашган ёки турғунлашаётган сўз бирикмалари ҳам муаллифлар назаридан четда қолмаган. Бундай сўз бирикмалари мустақиллик даврининг ўзига хосликларини акс эттирувчи бирликлар сифатида ҳам кўпайиб бормоқда.

Табиийки, бундай катта ҳажмдаги ишда айрим баҳсталаб ўринлар, талқинлар, такомиллаштиришни тақозо этадиган хусусларнинг бўлмаслиги мушкул. Масалан, *авваламбор* сўзининг этимологик таркиби берилмаган, "*а.* аввалан + *ф.* бор" тарзидаги изоҳ зарур эди. Ёки *индейс* сўзи (русча "индеец") изоҳланган, қолбуки, бу шакл русчадагининг айниси. Аслида *ҳинди* ёки *ҳинду* бўлиши лозим. Луғатнинг "Сўзбоши"сида *меъёр* сўзи қўлланган ҳолда *адабий тил* изоҳида *норма* сўзи ишлатилган.

Янги "Ўзбек тилининг изоҳли луғати" она тилимизнинг бугунги жадал ва эркин тараққиёти жараёнларидаги ҳолатини тўғал ва мукаммал акс эттирувчи муҳташам асар сифатида юксак баҳога муносибдир. Унинг нашр этила бошлангани маънавий-маданий ҳаётимиздаги улкан воқеа. Ўзининг минг йиллик анъаналарига эга бўлган ўзбек луғатчилигининг бу ютуғи мустақиллигимизнинг муборак мевасидир.

Низомиддин МАҲМУДОВ,
филология фанлари доктори

Хосият РУСТАМОВА

СЕНИ ҲАЁТИМГА ОЛИБ КИРАМАН

Совуқлик қилади Сенга бу кунлар,
Қўлларинг титрайди.
Совуқ...
Биламан.
Озгина кутиб тур!
Қорларни кураб —
Сени ҳаётимга олиб кираман.
Ўзингни авайла...
Қолмагин чарчаб,
Азизим, юзингга тушмасин соя!
Фақат бир илтимос,
Ўша кунгача —
Учишни ўрганиб турсанг кифоя.

ЁМҒИР

Одамдай тупроққа сингиб борар сув,
Гоҳида бахтиёр, гоҳида беҳол.
Гўё маст қилувчи ичимликдай у —
Менинг хаёлимни айлади ишғол.

АХИР ТОНГ ОТМОҚДА!

Ойнага қара,
Кўзларинг уйқуда — тугилар муштинг.
(Ўрмонда йўлбарслар тортмоқда наъра)
овози келмоқда қатиқфурушнинг.
Акс-садо бошланар йўлаклар аро,
Азизим, уйқудан кўзларингни оч.
Гумбурлаган осмон, тип-тиниқ ҳаво —
Уйингда эмаклаб юрибди қувонч.
Учишни машқ қилар полапон кўкда,
Боғ гуллаш олдида — ям-яшил, оппоқ.
Юр, жоним, кечаги янги этикка
сотувчи кампирдан оламиз пайпоқ.
Ахир тонг отмоқда субҳи-саҳарни,
Сен қўрқиб кетдингми —
бир учиб тушдинг.
Уйқудан уйғотиб деразаларни
Овози келмоқда қатиқфурушнинг.

* * *

Бир зум исингани кирдим.
Кетаман,
Кечиринг, бугун ҳам вақтим жуда зиқ.
Ёзмаган кунларим ҳаёт устимдан
Ножўя сўз каби тортади чизиқ.

* * *

Ой фалакда тўхтаб олар тин,
Юлдузлардан қўтарилар чанг.
Дарахтларни арралаб ҳорғин —
Фауст кўкка боқади ўйчан.
Мен дунёдан қарайман пастга,
Қўлларимдан тушиб кетар шеър.
Ҳассасига суяниб аста —
Кириб келар уйимга Данте.

* * *

Олдимда ястанар йўллар беадоғ,
Тоғлардан ўтаман учқур отимда.
Шубҳасиз, бошимда қўллайди Оллоҳ,
Ва яна кимдир бор менинг ортимда.

* * *

Машинанинг орқа ўриндиғида,
Бетартиб хонадай хаёлим уйқаш.
Ойнага қадалган кўзим йиғида —
Юракни ўртайди аллақандай рашк.
Худога боряпман ўзимни ортиб,
Бунча ҳам гўзалсан ям-яшил чироқ!
Менинг диққатимни ўзига тортиб,
Ҳайдовчи кўзгудан ташлайди нигоҳ.
О, шу пайт...
Кимлардир кулди — киноя!
Қарадим.
Йўлларни супурар фаррош.
Қизил чироқларга қилмас риоя —
Менинг кўзларимдан оқаётган ёш.

* * *

Ташияпман нимаки топсам,
Эрта-ю кеч тимдаланган кўй.
Кун эшакдай ағанаб ётса —
Ҳали-бери тўлмагайдир уй.
Тонгдан кунни йиға бошлайман,
Киритаман уйимга тунни.
Рўпарамга ойни жойлайман —
Менинг умрим шунча узунми?
Бўлди ҳамма нарса таппа-тахт,
Билмам энди не қиларимни?
Аммо, йиғиб бўлмади ҳеч вақт —
Ойлар, кунлар ва йилларимни...

* * *

Мен энди ҳаётга қилмайман даво,
Бўлди ахир шунча бўлар яхшилик.
Осмон. Керагидан ортиқча ҳаво —
Қанча жонзотларга айлади шерик.
Қанча ўлим билан келдим юзма-юз,
Қанча тун-кунларнинг бўлдим қотили.
О, ҳаёт ўрганиш билан банд ҳануз —
Мен кекса маҳбуснинг муҳаббатини.

Омон МУХТОР

ЙЎЛДАГИ КУЛГУ

(ХАЁЛДА АЙЛАНГАН СУҲБАТ)

Мендан Неъмат Аминов ҳақида хотира ёзишимни сўрашди.

Нимани, қандай ёзаман?

— Менга икки киши ҳақида ёзиш оғир, — дедим. — Неъмат ака билан Шукур Холмирзаев. Улар яқин биродарларим, умри ёнингда ўтган кишилар эди. Неъмат акани ўқувчилик йилларидан биламан. Шукур акани талабалик йиллари бошланишидан...

— Сизлар тенгдошми?

— Неъмат ака тўрт ёш, Шукур ака бир ёш катта эди. Олдинлари Неъмат, Шукур деб кетаверар эдим. Кейин, одоб юзасидан "ака" дейдиган бўлдим.

— Лекин ижодни бир пайтда бошлагансизлар...

— Тахминан, шундай... Мактабда, етти ёки саккизинчи синфда ўқирдим. Шеър, ҳикоя ёзишга қизиқардим. Бухоро педагогика институти талабалари муаллимлик машқини олиш учун келишди. Максим Карим, Неъмат Аминов, Жамол Камол, Ғулом Шомуродовлар билан ўшанда танишиб, дўстлашиб қолганмиз. Бир-биримизни ёзганимизни қўлёзмада ўқиб, фикрлашар эдик. Маданиятли, зиёли Максим акани ҳамон ҳурмат сақлаб эслайман. Жамол ака, Ғулом акага нисбатан кўнглимда укалик меҳрим бор. Неъмат ака билан эса барчадан кўра кўпроқ мулоқот ва муносабат буюрди.

— Айтишларича, сизлар бир даврага киргансизлар?

— Бир давра! Олдин устоз Тошпўлат Ҳамид даврасси. Кейин, Тошкентда... Мен болалар газетасида ажойиб рассом Телман Муҳамедов билан бирга ишлар эдим. Шукур ака университетда ўқишни битиргач, ёшлар нашриётида иш бошлади. Неъмат аканинг дастлабки "Икки пуллик обрў" китоби шу даврада юзага келган. Шукур ака муҳаррир бўлган, Телман ака китобни безаган эди...

Ўқувчилик йиллари топган қадрдонларим адабиёт муаллимлари бўлиб қолишлари мумкин эди, адашмасам Жамол ака билан Ғулом ака бир оз дарс беришган, лекин ижод қисмат экан, ёзувчи бўлиб танилишди. Улар сафида, балки уларга эргашиб, мен ҳам шу йўлга кирдим... Неъмат ака билан ижодга қизиқишдан ташқари, аввалига иккимизнинг соҳамиз бир эканлиги — маълум муддат радиода ишлаганимиздан, мунтазам учрашиб турар, гоҳо тўрт-беш соатлаб суҳбатлашардик. Туманлар, қишлоқларни бирга кезиб, радио учун лавҳалар, очерклар ҳам тайёрлаганмиз. Вақти келиб, Неъмат ака "Муштум" журналига бош бўлди, "Маънавият маркази"ни бошқарди, учрашувларимиз, суҳбатларимиз аввалгидек давом этди. Шу ўртада ҳатто бир идорада, "Шарқ юлдузи" журнали редакциясида ишлаган пайтимиз ҳам бўлди.

Бизнинг яқин дўстлигимизга яна бир сабаб, қадрдонлаша бошлаган кунлардаёқ тасодифан Неъмат аканинг отаси Амин бобо ва менинг отам Сулаймон хўжа эскидан таниш, бир-бирига эътиқодли кишилар бўлиб чиқди. Бизга оталаримиз суҳбат қурган даврлар насиб этди. Бу гаплар Неъмат ака кейинчалик ёзган "Бир асар ҳикояти" китобида ҳам акс этган.

— Китоб "Темирчидан қолган тиллолар" деб аталганди...

— Амин бобо темирчи, кетмон ясар эдилар. Бозор яқинида у кишининг темирчилик дўкони бор эди. Кўрганман. Аммо заковатли уламо ҳам эдилар... Орадаги муносабатни тасаввур қилиш учун кичик икки ҳолатни келтириш мумкин. Отам кўз юмганларида қиш, қалин қор тушган, ер жиққа лой эди. Амин бобо ўзлари хасталаниб, оғир ётган пайт. Лекин икки киши суянчида видолашгани келдилар. Кейингиси. Отам дунёдан ўтганларидан сўнг, қачон Бухорога бормай, Амин бобога учраб, отам ўрнида у кишидан дуо олар эдим... Мен бир гапни яширмай, кўпинча айтаман. Бизнинг оталаримиз биздан кўра яхшироқ... тозароқ, дейми, катта инсонлар бўлган! Биз ном чиқарган билан, улардан анча берида турамиз! Амин бобо Неъмат аканинг оғайнилари, дўстларига кўзга ёш келадиган даражада меҳрли эдилар. Неъмат ака ҳам меҳрибон инсон эди. Шу билан бирга, у кулгу дарғаси ҳам эди... Бу хислат Абдулла Қаҳҳор, Саид Аҳмад сингари Неъмат акада ҳам бор эди.

Ҳажв оламида юриб, ҳажвиётга ўрганиб қолган киши арига ўхшаб, баъзан беихтиёр ўзига яқин одамларни ҳам "чақиб қўяди". Бу — кулгу табиатига тегишли бўлса керак. "Гап келса, отангни аяма", деган гап учрайди... Бунинг устига, ўзбек адабиётида Абдулла Қаҳҳор ва Шукур Холмирзаев ижодида бир қарашда кўзга ташланган белги — аниқ тасвирга ўчлик Неъмат акага ҳам хос, натуралист, деймизми, у "кўзи билан кўрган, қўли билан тутган" нарсанигина ёзар эди. Шу боис, ошкор ҳажв тиғига йўлиққанларни айтмаганда, аксар "танқид назари"га тушиш Неъмат аканинг — Абдулла ака, Шукур аканинг ҳам — бировга нисбатан носамимий ёки номеҳрибон эканлигини билдирмасди. Буни ижодкорнинг қони-жонидаги ҳолат, унинг феъл-атвори, ўзлиги деб тушунишга тўғри келади...

Йиллар бўйи кузатганим — Неъмат ака ўз иши, ижоди баробарида, кўп вақтини бировларнинг илтимосини бажариш, ҳожатини чиқаришга кеткизар эди. Ҳеч кимнинг олдида қарзи йўқ, унинг учун бу қандайдир ички зарурат эди. Одатда, сал шошиброқ юрар, учрашувлар, давраларда ҳам бекор ўтирмай ўз сўзини айтишга тайёргарлик кўраётганга ўхшар эди.

— Ҳаётдаги қусурлар, ножўя хатти-ҳаракатлардан кулган Неъмат ака, ўзўзини ҳам тергармиди?!

— Бу ички ҳолат. Инсон эшиги берк уй! Умуман, ҳажв кўчасига кирган киши ўз қиёфаси ҳақида ўйлашга мажбур. Ўзига "қаҳрамон"лари нуқси уришидан қўрқади. Гоҳо нуқси уради ҳам! Бундан қочиб қутулиш қийин. Ҳақиқатга риоя қилиб яшашга уринишнинг ўзи осон иш эмас... Одамлар орасида кулиб юрганига қарамай, у жиддий, ҳаётда учраган мураккаб пайтлар, кўнгилсиз ҳолатларда бир оз бардошсиз ва кескин эди. Бир гапни айтиш, бировга баҳо беришда эҳтиёткор ҳам эди. Эсимда, ўн йилча бурун мен тўғримда мақола ёзиб, фалончи менинг укам, дўстим, уни мақтаётганимни нотўғри тушунманглар, қабилида — кулгили изоҳ берган эди. Биров учун китобга дастхат ёзганида ҳам, узоқ ўйланар, ёзаётиб ҳар бир сўзни "тарозида тортар" эди... Лекин қаерга бормасин, қаттиққўллик, аёвсизлик чекиниб, кулги, хушчақчақлик унга эргашарди.

— Бир китобнинг номи ҳам "Қаҳ-қаҳа".

— Асарга, китобга ном топишда моҳир эди. "Қирқ учинчи почча", "Сузонғич роман", "Елкасиз полвон"... Ҳатто у бўлган жойда, албатта, "кулгули бир ҳолатлар" рўй берарди. Ҳаётнинг ўзи уни шу йўлга солгандек эди! Ана, ҳарбий хизматдан қайтган Неъмат ака Бухоро радиосига ишга кирган. Атай уюштиргандек, унинг атрофида учта Саид — Саид Хўжаев, Саид Аҳмедов, Саид Равшан... Ёки, радио раҳбарларидан бири кичик пиеса ёзган. "Жасур пионер" билан "ёвуз қўрбоши" тўқнашуви. Шўро давридаги шилта "асар". Вилоят театридан артист чақириб ўйнатиш мумкин, бироқ раҳбар бу кунни ўтказиб, эртагаёқ қалам ҳақини олмоқчи! У Неъмат акага, ўзимиз ўйнасак-чи дейди. Менинг овозим ингичка, сизнинг овозингиз йўғон, мен пионер, сиз қўрбоши бўлайлик, дейди. Аслида, буларнинг овозини радио эшитувчилар яхши билишади, гоҳо радиода чиқиб туришади. Қисқаси, шум Неъмат ака таклифни қабул қилади. Улар студияга киришади. Раҳбар-пионер:

— Сен бераҳм, қонхўр, — деб чийиллайди.

Неъмат ака-қўрбоши бақиради:

— Тилингни тий, итвачча!

Эртаси куни бўлади тўполон. Кўча-кўйда ҳамма, Неъмат бошлиқни сўкди, деб юрибди...

Неъмат ака билан қишлоққа бир қаҳрамон аёл ҳақида ёзгани борганмиз. Хонада, аёлнинг эри гапга аралашмай ўтирибди. Аёл узоқ сўзлайди. Ниҳоят, Тошкентдаги бир йиғинда ўша даврдаги каттаконлар билан кўришганини ҳикоя қилади. Хотини "эътибор топгани"дан қисинган эр, шу дамда тилга киради:

— Улар менга салом айтибдилар...

Амин бобонинг ошналаридан бири — Шакар Деҳқон деган киши эди. Неъмат ака билан бу соддадил, эзгу инсон тўғрисида баъзан гаплашиб турардик. Журналистлар союзига аъзо бўлаётган Неъмат ака тахаллус қидираётиб, гап орасида шунчаки Шакар Деҳқонни эсладик. Неъмат ака анкетага уни ёзди-қўйди. Ният асосан, фельетонлар ёзганда яширин имзога эга бўлиш эди. Ёзувчилар таржимаи ҳоли тўплами тузилганида, Ойбек, Уйғун дегандек тахаллус исмишарифдан доим олдин туради, деб ўйлашганми, китобга Неъмат акани Шакар Деҳқон тарзида киритиб юборишади...

Улкан адибдан қатор ҳикоя китоблари, бетакрор "Ёлғончи фаришталар" асари қолди. Унинг ижоди рангин, бой бўлса-да, кулги биринчи ўринда туради.

Кулгининг эса умри ҳеч қачон қисқа бўлган эмас.

Кўп йиллар ҳали Неъмат ака кулади, одамларни кулдиради. Мен бунга зиғирча шубҳаланмайман!

Бир куни Неъмат ака ҳақида хотирамни сўзлаб юраман ёки ёзаман, деб ўйламаган эдим.

Аммо Худонинг иродаси бошқа экан...

Бахриддин САДРИДДИНОВ

ВАТАН

Улғайдимки мен бағрингда,
Отам-онам бўлдинг, Ватан,
Гар сиғинсам саҳарингдан
Менинг Каъбам бўлдинг, Ватан.

Кўҳна тарих билгунича,
Минг йил шонинг тўлгунича,
Истиқлолим келгунича,
Дилда нолам бўлдинг, Ватан.

Ойдин йўлга солгувчим — Сен,
Мен — создирман, чолғувчим — Сен,
Кетсам, ортда қолгувчим — Сен,
Гулдек болам бўлдинг, Ватан.

Омон бўлгин, озод ўлкам,
Армоним йўқ — кўрдим ўктам,
Кўз тегмасин, бирам кўркам,
Бирам кўркам бўлдинг, Ватан!

* * *

Бўзлов тупроқ сеҳр кўрдим —
Сен деб ғурур туйгандирман.
Сен Меҳрсан, Ишқсан, юртим —
Заррангни ҳам суйгайдирман.

Ўтмишимдир қай бир харсанг,
Келажагим — унган майсанг,
Гуллар экан сойдаги санг —
Ҳидлаб-ҳидлаб тўйгайдирман.

Дарс ўқийман ҳар боғингда,
Қулоқ тутиб сабоғига.
Ҳар дарахтнинг япроғига,
Мен юзимни қўйгайдирман.

Сени шеърда айтиб-айтиб,
Ўтиб кетсам бир кун "ҳайт" деб,
Қалдирғочинг бўлиб қайтиб,
Фақат сен чун куйлайдирман!

* * *

Ўриклар оқ қўйлак ичра ястаниб,
Анвойи атирлар пуркаган фасл,
Жилғалар чопади сойни қизғаниб,
Томирларда олов кезади, сабил.

Қўксида майсани силкитар қирлар,
Ҳовлиққан шамоллар излар нимани?
Қизғалдоқлар сочар кўклам адирлар —
Қўндирайин дея гала турнани.

"Қур-қур"лар янграйди жаннатта атаб,
Турналар тушингга кирар учинсанг,
Куртаклар шивирлар қуёшга қараб —
Фаришта бўлурсан агар тушунсанг.

Чўмилтирай дея — ёмғирлар қуяр,
Абадий поклиқдан бергувчи дарак,
Ҳўл бўлган бир соғинч бағримни ўяр —
"Дунёда ёмонлик қолмади, демак..."

САИДА ОПАНИНГ НИЯТИ

1976 йилнинг апрел ойи. Сўлим баҳор нафаси уфуриб турган кезлар. Камина катта ҳандақда тиззагача лойга ботган ҳолда томшувоқ учун "масаллиқ" тайёрлаётган эдим. Кутилмаганда садоқатли укам, шоир Садриддин Салим ташриф буюриб қолди. Жуда тез юриб келганлигидан ҳансираб нафас оларди.

— Ишингизни тўхтата туринг, — деди у салом-аликдан сўнг, — гап бор, сизга тегишли. Саид Аҳмад домла сизни кутиб турибдилар.

— Қаерда? Ҳазиллашмаяпсизми? Танимаган биздек фақирни кутиш... — дедим ажабланиб. Тўғриси, шоирдан эшитганларимга ишонқирамаётган эдим.

— Борганда биласиз, тезроқ ювиниб кийининг.

Ҳовлим шундайгина шаҳар этагида. Шоир укам салкам икки чақирим масофани босиб, хушхабар келтирди. Бормасам бўлмас. Апил-тапил ювиниб йўлга отландик. Вилоят газетаси редакцияси ва Ёзувчилар уюшмасининг бўлими ўрнашган бино эски "колхоз бозори" рўпарасида жойлашган эди. Бир пасда етиб бордик. Саид Аҳмад домла бир гуруҳ ижодкорлар даврасида. Гурунг авжида. Мени Саид Аҳмадга танитишди.

— Яшавор, йигит, Саид Равшан. Ижодинг ҳам равшан бўлсин, — деди устоз қўлимни сиқиб. — Сафимизга қўшиласан, тавсиянома ёзиб қолдирдим. Тезда ҳужжатларингни тайёрлаб, уюшмага жўнат. Улгура олсанг, ўзим олиб кетаман...

Кейин устоз бозор тарафга қараб:

— Саида, — дедилар. — Ана, мен айтган Саид келди. Сўнг менга қараб. — Бор, Саида опанг билан сўраш, — дедилар.

Сал нарида, зеб-зийнат дўкони олдида икки аёл турарди. Дарров танидим. Саида Зуннунова ва Ойдин Ҳожиева. Тез одимлаб ёнларига бордим. Ҳол-аҳвол сўрашгач:

— Нашриётга топширган қўлёзмангиз билан танишиб чиқдим, — дедилар Саида опа самимий кўйда. — "Унутилмаган одам" ҳикоянгиз менга ёқди, жуда таъсирли. Ана шундай ҳикоялар керак.

Рости, кутилмаган мақтов ва танишувдан суюниб кетдим. Саида опа яна гапга кўчдилар.

— Саиджон, адашингиз бошига ёғилган кулфатлардан эсон-омон қутулди. Шунга ният қилиб етти танга садақа атаган эдим. Кимга берсам бўлади?

Саида опа кафтларини очиб чақаларни кўрсатдилар.

— Ана, менга-да, — дедим ҳазиломуз ва қўшимча қилдим. — истасангиз, бу ниятингизни амалга оширадиган жойга олиб бораман.

— Розиман. Илоҳим барака топинг, — дедилар Саида опа қувониб.

Хуллас, меҳмонларни Ҳазрат Баҳовуддин Нақшбандни зиёрат қилишга даъват этдим. Устоз Саид Аҳмад: "Саида нима деса, мен розиман", дедилар.

Сиёсатдан чўчувчи ижодкорлардан бир нечаси дарҳол мени чеккага тортиб, ваҳима аралаш эътироз билдиришди.

— Ақлингизни йиғинг, у ер таъқиқланган жой-ку, зиёрат қилиш қатъиян ман этилган.

— Меҳмонларнинг бошини балога қўймоқчимисиз? Саида опанинг эллик йиллиги шарафига туманга учрашув белгиланганмиз, кечикамиз.

— Айтилган сўз — отилган ўқ. Меҳмонлар умидсизланмасин, — жавоб қилдим мен. Чунки анча журъатли эдим. Фирқа аъзоси бўлсам-да, на фирқаси, на сиёсатидан қўрқар эдим. Шу боис, сўзимда турдим. Икки енгил машинада отландик. Бир пасда Баҳовуддин Нақшбандга етиб бордик. Олдин ҳазратнинг волидалари қабрини зиёрат қилдик. Кейин ўзларига ўтдик. Аммо дарвоза зулфинида қўшалоқ қулф, муҳрланган. Назоратчи Нарзи ота Бозоров менга тегишли одам. У киши узоқ пайтлар савоб иш деб, маошсиз Нақшбанд атрофини обод қилиб, дов-дарахтлар қўкартирган. Боғ барпо этганлар. Сўнг у кишига маош тайинланган.

— Билиб қолишса, мени овора қилишади, куёв, — деди Нарзи ота қулоғимга шивирлаб. — Ораларингда гап олиб қочарлар ҳам йўқ эмасми?

— Мен борман, бало ёғилса ўз зиммамга оламан, — дедим ишонч билан.

— Ундай деманг, Ҳазрат Балогардоннинг ўзлари асрайдилар...

Нарзи ота бинони айланиб ўтиб, девор ошди. Ичкаридан дарвоза зулфинини қайириб, итариб чиқарди. Қулф муҳрига зарар етмади. Устоз Саид Аҳмад, Саида опа, шоира Ойдин Ҳожиева ва бизга эргашувчилар узоқ йиллар давомида "сиёсий қамал"да ётган Баҳовуддин Нақшбанду Балогардоннинг таъмирга муҳтож ғарибона қабрларини ихлос билан зиёрат қилишди. Саида опанинг нияти ушалди. Сиқимида ушлаб турган етти тангани садақа қилди. Ниятлари ижобат бўлди. Устоз Саид Аҳмад қайта зарофат кўрмади, ноҳақ қоқилмади. Ҳамиша эл ардоғида дунёга танилди. Ўзбекистон Қаҳрамони деган олий унвонга сазовор бўлди. Аммо у кишининг умр йўлдошлари Саида опага бундай хушнуд, дориломон кунларни кўриш насиб этмади. Лекин халқ эъзозида бўлган Саида Зуннунованинг барҳаёт руҳлари ёруғ кунлардан огоҳдир. Илоҳим, уларни Оллоҳ раҳматига олган бўлсин!

Саид РАВШАН

Ёднома

ЧЎЛ САБОҚЛАРИ

Анвар Эшонов: Содда ва дангал ёзиш керак.

Анвар Эшонов билан Жиззах чўлларида танишганман. Ўшанда ёшлар газетасининг мухбири эдим. Жиззахга водий туманларидан чўлқувар йигит-қизлар келишаётган кезлар эди. Таҳририят топшириғига биноан улар тўғрисида очерк, лавҳа ёзиш учун мен ҳам Мирзачўлга сафарбар этилгандим.

Анвар аканинг уруш мавзусидаги ҳароратли шеърларини, Мирзачўлда ер ўзлаштираётган фидойи инсонлар тўғрисидаги мақолаларини кўп ўқиган бўлсам-да, ўзи билан мулоқотда бўлмагандим. Янги ташкил этилган хўжаликлардан бирининг марказий қўрғони — кучлироқ шамол турса ағанаб кетиши мумкин бўлган эски вагончада бир-биримизга тасодифан дуч келиб қолдик. Фантаст ёзувчимиз Ҳожиакбар Шайхов ҳам шу ерда экан. Анвар ака пастга тушиб, умри пахта даласида ўтаётган деҳқон йигитлардан бири билан савол-жавоб қила бошлади, халақит бермай, гап-сўзларини тинглаб ўтирдим.

Анвар аканинг саволлари ажабтовур эди. Журналистика факультетида бизга ёзилажак очеркнинг бўлажак қаҳрамонига бундай жайдари, пардаси калтароқ саволлар ҳам бериш мумкинлигини айтишмаганиданми, аввалига бироз ўнғайсизландим. Аммо, кўрпачага астойдил ёнбошлаб, оёқларини бемалол узатиб олган Анвар аканинг саволларидан деҳқон йигит мутлақо ажабланмаётгани, аксинча, саволдан саволга очилиб бораётгани менга қизиқ туюлди. Шу ернинг ўзида муҳим бир хулосага келдим, маҳоратим ошди — демак, одамлар билан суҳбатлашганда мухбир ўзини эркин тутиши, китобий эмас, ҳаётий саволлар ҳам бериши мумкин экан-да.

Ўша куни Анвар аканинг эски қадрдонларидан бирининг хонадонида меҳмон бўлиб, учовлон тонггача суҳбат қурдик. Бу тўғрида аввал ҳам ёзганман — шу суҳбат мени мухбир сифатида янги бир босқичга олиб чиқди.

Анвар ака чўл шароитини, бу ерда меҳнат қилаётган одамларни, уларнинг ўй-қарашларини, турмуш тарзини жуда ҳам яхши билар экан. Тошкентдан келган ёзувчилар шарафига уй одамлар билан лиқ тўлди. Дастурхонга турфа хил ноз-неъматлар қўйилди. Бундай пайтлари меҳмонларга сўз берилади, улар мезбон шарафига яхши гаплар, тилаклар айтиши керак. Анвар ака бу ишни Ҳожиакбар иккимизга топширди. Кўплаб китобларнинг муаллифи, фантаст ёзувчи сифатида машҳур бўлиб улгурган Ҳожиакбар, қарангки, пахта даларини, чигит қандай экилиши, парвариш қилинишини деярли кўрмаган экан, "Кўчатларни парникда тайёрлаб оласизларми?" деб сўраб қолса бўладими. Анвар аканинг ишораси билан, жиловни қўлга олдим. Чўлқуварларни ҳақиқий қаҳрамонлар даражасига олиб чиқиб мақтадик.

Эртасига эрталаб Анвар ака менга қараб: "Қадаҳ сўзи айтишингиз дуруст, очеркни ҳам худди шундай ёзиш керак, одамларни руҳлантириши зарур" дей қолди. Дала шийпонларидан бирида бўлганимизда бу фикрни яна давом эттирди:

— Шу одамлар иссиқ жойларини, баъзилари бола-чақасини ташлаб, ҳузур-ҳаловатдан кечиб бу ерга келишган. Кўринг, кеч кузгача тиним билмай ишлаб, пахта етиштириб Мирзакаримбой бўлиб кетишаётгани йўқ. Пахтанинг даромадини бошқалар кўришади. Буларга шафтолининг қоқиси ҳам қолмайди. Шунга қарамай ишлашади. Ўзи, хотини, болалари ишлайди. Буларга бизнинг бир оғиз яхши сўзимиз бўлса бас, бошлари осмонга етади. Газетага яхшилаб ёзиш керак, аммо ёзганингизни аввал радиодан ўқиб берсангиз, зўр бўлади-да...

Кейинчалик Анвар ака билан чўлларни кўп бор бирга кездик. Турли даражадаги одамлар давраларида бўлдик. У киши сохта муоламани, такаббурликни сира ҳам ёқтирмас экан. Ўзи оддий, сўзлари оддий, халқона бўлганидан кейин, бошқаларнинг ҳам худди шундай бўлишини хоҳларкан. Ҳар қандай киши билан бир зумда тил топишиши, суҳбатдошининг кўнглида не гап борлигини зукколик билан англаши мени кўп бор ҳайратга солди. Устознинг яна бир фазилати — ўзидан анча кичик одамни ҳам диққат билан эшитар, сўзини бўлмасди.

Чўл одамлари Анвар аканинг устоз ёзувчилар Ғафур Ғулом, Ойбек, Абдулла Қаҳҳор ҳақидаги хотираларини мириқиб эшитишар, латифаларини жон қулоқлари билан тинглашарди. Суҳбат айни қизиб турган бир пайтда кимдир хонага чой ёки бирор таом олиб кирса, дарҳол унинг исмини сўрар ва, албатта, "Бўладиган йигитга ўхшайди", деб қўяр эди. Шу биргина жумланинг ўзи ўша — бўладиган йигитчани ҳам, унинг ота-онасини ҳам орзу-умид оламининг юксак чўққиларига кўтарарди.

Чўл сафарларидан қайтганимиздан кейин Анвар аканинг овози радио тўлқинларида янграб қоларди. Кўпчилик у кишининг шеър ўқишини Ғафур Ғуломга ўхшатарди. Дарҳақиқат, Анвар Эшонов қаламига мансуб ҳароратли мисралардан устоз Ғафур Ғуломнинг бетакрор нафаси ҳам келиб туради:

Ўзбекистон кузидай
бугун дастурхон тўкин.
Турналардай тизилиб,
Юраклари эзилиб,
Қора нон навбатида
Турганларнинг ҳаққи ҳам,
Улуғ жанг йўлларида
Кўксида қон сизилиб,
Европада ўт кечиб,
Юрганларнинг ҳаққи ҳам
Насибангга қўшилиб
Турар дастурхонингда...

М.АҲМЕДОВ

Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофотига номзодлар

ҲАЙРАТЛАНИБ СЕВАДИ ШОИР...

Ота макон — Ўзбекистонни, бобомерос ёнғоқзору отамерос чорбоғларни, осмонўпар теракларни, бўғдойранг ўзбек қизларию пойдамон, қўли қадоқ жўмард инсонларни ҳормай қуйлаб келаётган Азим Суюн шоирликни қисмат, деб билади. У илк шеърлари ва китобидаёқ Ватаннинг беадад кенгликларини, гўзал водийларини, сирга ва ҳикматга тўла асотирларини куйлашга қалби мойиллигини намоён этган. Илк тўплами "Менинг осмоним" (1978) чоп этилганида шоир беғубор болалигини ортда қолдирган эди. Аммо ўша шеърларига хос соддалик, ўзбекона беғаразлик ва юртпарварлик сақланиб қолди. Деярли ўттиз йил ўтгач, яқинда нашрдан чиққан "Ватан фасллари" (2007) китоби бунинг далилидир.

Ватан — азалий мавзу. Ватан ҳақида шеър ёки мадҳия ёзмаган шоир деярли учрамайди. Бироқ ўқувчи руҳини тўлқинлантирадиган, дилини фахрга, ғурурга тўлдирадиган асарлар ёзиш ҳар қандай ижодкорга ҳам насиб этавермайди. Азим Суюннинг мадҳияларида ўзбекона соддадиллик ва беғуборликка ўранган бетакрорлик, нафислик, улуғлик бор.

Тонглар эрта отади,
мастона булбул куйи,
Осмон бирам ёйилган,
тунлар бирам чарақлар.
Арғумоқларни кўмар
буғдойзорларнинг бўйи,
Ўзбек далаларида
тилло жавзо яраклар.
Ризқ-рўзим бутун доим,
қароғим, Ватан, ўзинг,
Кўкдаги бир қучоқ ой-тароғим,
Ватан, ўзинг!

Қуйидаги сатрлардаги нафисликдан қалб фахрга тўлади:

Қадим, эрка сойлардан
оқиб келар гул иси,
Олма гулининг иси,
зардоли гулин иси.
Юлдузларми, ойлардан
қалқиб келар гул иси,
Жийда гулининг иси,
қароли гулин иси.

Беихтиёр машҳур сатрлар ёдга тушади: "Водийларни яёв кезганда, Бир ажиб ҳис бор эди менда. Чаппар урриб гуллаган боғин ўпар эдим ватан тупроғин". Гул иси аслида Ватан иси. Гул исини заминдан, тупроқдан, сувдан, ҳаводан, эккан қўлларидан олади. Ҳатто бир хил гулнинг ҳар ўлкада ҳар хил ис таратиши ҳам шундан. Ота макон гулларининг исидан қалби энтиккан шоир ғурурланиб, тошиб ёзади: "Гуллар атрин таратган тоғимсан, Ватан, ўзинг, Кўнгиллар қулфин очган боғимсан, Ватан, ўзинг!"

Азим Суюнни ҳамма нарса ҳайратга солади: ой, осмон, қуёш, шаршаралар, қушлар, тулпорлар, сўқмоқлар, алафлар, гуллар, қизлар... Неки ўзбекликка тааллуқли бўлса, уларнинг бари, барчаси ҳайрат манбаи. Илҳом манбаи. У ҳайратланиб Момо Ер ҳаволаридан маст бўлади, осмонни ёйилган, тунларни чарақлаган кўради, қиру адирлараро сокин мудраётган қишлоқларга тикилади, гулдираётган тўғайларга ва бахшининг хонишларига қулоқ тутади; ҳайратланиб дўст ахтаради; ҳайратланиб шеър ёзади. У "Ҳайрат" деган шеърида ёзади: "Айланур ел, айланур ер, давру даврон айланур, Айланур кун, айланур тун, кун-тун инсон айланур. Кўнгил кўзи бирла, оҳким, боқсам дунёга, ёрон, Умрим йўлин паст-баланди мисли тўзон айланур. "Унингча ҳаётда ҳайратланмай яшаб, ҳайратланмай тирикчиликни шарафлаб бўлмайди. "Қалбимда қандайдир бир булоқ оқар," дейди шоирнинг ўзи. Бу, аслида, ҳайрат булоғи, тўғриғоғи, ҳайратга таянган илҳом булоғидир.

Ҳайратдан туғилган "Сангардак шаршараси" шеъридаги қуйидаги мисраларга қулоқ тутинг:

Ҳисор тоғларининг
Бир биқинида
Қат-қат қояларнинг бағрини ёриб,
Баҳайбат шаршара,
Отилиб чиқар,
Сўнг шер ёлларидек оқар ёйилиб.

Туйғуларни, фикрларни шоир чўққига етаклайди:

Мўъжиза кўраман
Ҳар заррасида
Шарҳини тополмай тилларим лолдир.
Жон олдирсанг, Эгам,
Йўлли дунёда,
Шу тенгсиз чиройнинг олдида олдир.
Сен яримсан, ул ярим-бутун
бўлмоқ бахт.
Ҳам камолинг, ҳам заволинг —
аёл боис.

Шоир шеъриятида халқ ижодига хос соддалик устун. Унда ясамалик, зўракилик, сохта донишмандлик йўқ. Гоҳо шоир халқ қўшиқларини шундай оққа кўчиргандай туюлади. Аммо у халқ тилини, халқ куйини, халқ ижодини ўрганишни, севишни шоирлигидек қисмат, деб билади. Ижодини "жайдари фалсафа" деб аташдан тортинмайди. Тўғри, борликдан мураккаблик изловчи ақл учун Азим Суюн шеърлари ўта содда, ҳатто ғализроқ кўриниши мумкин, бироқ шоир қалбидан, руҳидан, бутун изланишларидан бехабар кишигина шундай хулоса чиқаради. Зеро, бадиий асарларга, бадиий ижодга тайёр қолиплар, таърифлар билан ёндашиб бўлмайди. Ҳар бир асар ижодкорнинг бутун изланишлари орқали тавсифланиши даркор. Бутунни тўғри идрок этмай, қисмнинг моҳиятини тўғри илғаш мушкул. Шу маънода, Азим Суюн шеъриятдаги соддалик ўзбекона, ҳаётий соддаликдир. Унда ўзбек халқига хос беғаразлик, камтарлик ва покдамонлик мавжуд. Ҳаётий соддалик қусур эмас, балки фазилатдир. Очиғи, ҳайратли фазилатдир. Ҳайрат ҳам, ишқ ҳам соддаликдан туғилади; содда, покдамон бўлмай ҳеч нимани дилдан севиб, ҳеч нимадан ҳайратланиб, демак, ҳеч нимани яратиб бўлмайди. Соддаликда беғуборлик, ҳаётга яқинлик кўп. Тўғри, ўта соддалик ақлни камситувчи ғализликдир, у меъёрида, ҳаётий бўлганидагина ибратга айланади.

Шоир шеърларини ҳар бир дилга яқин қиладиган нарса улардаги жозибали равонликдир. Ҳатто унинг достонлари ҳам бир нафас билан ўқилади ва ёдда осон қолади. Лекин шоир мавзудан четга чиқмайди, мисралари уйғун боғланган, ҳис-ҳаяжонлар мантиқ амрида. Ҳар бир шеъри ўз сюжетига, боши ва ечимига эга. Ташбеҳларни қаердадир, қачонлардир ва кимлардандир эшитгандай бўласиз, аммо жозибали равонликда шоир услуби яширинган, сиз унинг сеҳрини унутолмайсиз. Равонликнинг, соддаликнинг ҳикмати шунда.

Ижод кашф этган ҳикмати билан кучли, ардоқли. Ҳикмати йўқ назмнинг, асарнинг қиммати хасча. Азим Суюн буни яхши билади, гоҳо ўзига аён бўлмаган бир сир билан туяди. Агар ижоднинг сири, ҳикмати икки карра икки тўртдек аён бўлганида ундан-да бемаъз нарса қолмасди. Ижод — сир. Мудом сир. Гоҳо уни ижодкорнинг ўзи ҳам тўлиқ англамаслиги мумкин, аммо ижодкор бир нарсада адашмайди, бу — ҳикмат излашдир. Табиий савол уйғонади: хўш, шоир уни топдими? Топган бўлса, ушбу ҳикмат неда? Бу борада унинг ўзи нима дейди? Бу саволларга ҳар бир ўқувчи ўзича жавоб бериши мумкин. Менга эса Азим Суюннинг ҳаётий, содда иқрори яқин — "Мен доимо ҳикмат изладим". Изланишда эса ҳайратланиб севиш ва ҳайратланиб куйлаш бор. "Ватан фасллари"ни ҳайратланиб севиш ва ҳайратланиб куйлашни илоҳий қисмат, деб келаётган Азим Суюннинг ижоди Ўзбекистон Республикасининг давлат мукофотига муносиб, деб биламан.

Виктор АЛИМАСОВ,
фалсафа фанлари доктори



МЕҲР

Абдуғафур Расуловга

Яхшилик у ёқда турсин, бировдан
Қизғанар каслар бор оддий ҳикматни.
Лекин меҳри дарё қалблар бор экан,
Англайсан нелигин қадру қимматнинг.

Дуч келсанг ундай зот битта сўз ила
Мартабангни қилиб қўяр зиёда.
У инсонга доим омонлик тила,
Меҳр боқий қолсин десанг дунёда.

Мирпўлат МИРЗО

Абдуғафур Расулов миллий адабиётшунослигимиз ва танқидчилигимизда ўз ўрнига эга бўлган ижодкорлардан. Мана, қирқ йилдан ортиқ вақт ўтибди ҳамки, муҳтарам олимимиз адабиёт мухлисларига кенг танилган. Адабий-танқидий, проблематик мақолалари, ижодий портретлари, эсселари, рисола ва монографиялари адабиёт илмимизга муносиб ҳисса бўлиб қўшилган.

Серғайрат адабиётшунос ва мунаққид доимо адабиётимизнинг долзарб муаммоларини кўтаришга интилади. Ўз асарларида қўйилган проблеманинг моҳиятини ҳар томонлама очиб беришга ҳаракат қилади ва шунга эришади ҳам. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, олимнинг Ўзбекистон Қаҳрамони Озод Шарафиддинов ва ёзувчи Ўткир Ҳошимов ҳаёти ва ижодига бағишланган китобларини адабиёт мухлислари катта қизиқиш билан кутиб олди.

Кўп йиллардан бери А.Расулов ўқув юртларида адабиёт фанидан ёш авлодга таълим бериб келади. Бугунги кунда унинг сабоқларини олган адабиётчиларни республикамизнинг қарийб ҳамма жойида учратиш мумкин.

Ҳафталигимизнинг таҳририяти ва кўп минг сонли мухлислари номидан устоз адабиётшунос Абдуғафур Расуловга узоқ умр, бардамлик, ижодий куч-ғайрат тилаймиз.

ЯНГИЧА ТАФАККУР ТАЛҚИНИ

Тақриз

Шарқ Ғарб, ўтмишу бугуннинг энг муҳим адабий-эстетик қарашларини бир нуқтага жамлаб, тафаккур элагидан ўтказиш олимдан улкан салоҳият талаб этади. Адабий матнни тадқиқ талқин этишнинг хилма-хил усуллари қамраб олинган филология фанлари доктори Абдуғафур Расуловнинг "Танқид, талқин, баҳолаш" ("Фан", 2006) номли монографиясида жаҳон адабиётшунослигининг илғор назарий қарашларига муносабат билдирилган ва муаллиф ўз концепциясини илгари сурган.

Тадқиқотда Аристотелнинг "Герменевтика" асаридаги илмий-назарий қарашлардан тортиб, Форобий, Беруний, Ибн Синонинг талқин фани ривожига қўшган ҳиссаларигача қамраб олинган. Муаллиф ўзбек адабиётшунослиги ва танқидчилигида фаол қўлланила бошланган "герменевтика" тушунчасини илмга олиб кирган Ф.Шлейермахернинг (XVII аср) назарий қарашларини В.Дильтей, М.Шелер, М.Хайдеггер, Г.Гадамер каби олимларнинг герменевтика соҳасига қўшган ҳиссаларини, ютуқ ва камчиликлари, чекланган жиҳатларини асослаб кўрсатади.



А.Расулов фикрича, "Ҳақиқий қадриятни тушуниш, шарҳлаш, талқин қилишда Ғарбу Шарқ, ўтмиш ва ҳозирги мутафаккирлар орасида жиддий фарқ йўқ". Китобда бугунги "талқин" атамасининг фақат Ғарб илмида эмас, балки мумтоз адабиётшунослигимизда ҳам ўнлаб маънодошлари борлиги, жумладан, илми ғариба — талқиннинг юксак, нафис кўринишлари эканлиги кўплаб далиллар орқали асосланган. "Бадиий асар — хоҳ у лирика, хоҳ наср, хоҳ драма бўлсин — ёзувчининг маҳсули. Фарзанд ота-онасига ўхшамаслиги мумкин эмас. Бадиий асар талқин, таҳлил қилинганда, табиийки, ёзувчининг руҳий ҳолати, кайфияти ҳисобга олинади. Адабиётшуносликда бадиий асарни талқин этишда ёзувчи руҳияти, кайфияти-ҳолатини ўрганувчи соҳа бор. Уни биографик метод ёхуд бадиий асарга ёзувчи ҳолати нуқтаи назаридан ёндашиш дейилади", деб ёзади олим ижодкор билан асари ўртасидаги муносабатлар талқини ҳақида фикр юритиб. Дарҳақиқат, фалсафада "онтология" борлиқ, одам ва олам тушунчаларини англатади, ва, айни пайтда, маънавий оламнинг мангу барҳаётлигини ҳам ифодалайди. Маълумки, борлиқ моддий ва маънавий оламдан ташкил топган бўлиб, унинг "мангу барҳаёт"лиги, боқийлиги "йўқлик"нинг муқобили, зидди сифатида ўзлигини намоён қилади. Хўш, "мангу барҳаёт"лик ўзлигини намоён қилиш учун ижтимоий ҳаёт билан муносабатга киришади, нимани тасдиқлайди, нимани инкор қилади, ушбу зиддиятли муносабат орқали ўзлигини кўрсатади. Тўртинчидан, бадиий асар "Онтология — руҳий зиддиятлар, унинг микёси даражасини кўрсатувчи руҳоний таълимот". Бешинчидан, ижодкор бадиий асарда "аниқ изчил ғоя ва образлар орқали ўз бадиий дунёсини яратади". Бундай асарлар талқинида асосий эътибор ижтимоий борлиқнинг қандай акс этганига эмас, балки "...инсонлардаги руҳият, маънавий зиддиятлар қай даражада акс этган"ига қаратилади.

Албатта, олимнинг фикрларга қайсидир маънода муносабат билдириш, қўшимчалар киритиш мумкиндир. Аммо асосий гап бунда эмас. Муҳими шундаки, муаллиф барҳаёт, асрлар силсиласига дош бериб келаётган ўлмас обидаларни ичдан нурлантириб турган бош масала — инсон қалби, унинг зиддиятларга, курашларга, эврилишларга бой оламининг бадиий кашфига эътибор қаратадики, бу илмий хулосалар ғоят муҳим аҳамиятга эгадир.

Китобда мумтоз ва жаҳон адабиётидаги ўлмас асарлар билан бирга, 20-аср адабиёти намояндалари ижодини қайта баҳолаш, уларни қадриятлар мезонлари асосида талқин этиш бугунги танқидчиликнинг асосий методологик тамойилларидан бирига айланиб бораётгани аниқ кузатишлар орқали далиллаб берилган. Муҳими шундаки, муаллиф ўзбек китобхонига Навоий, Бобур, Қодирий, Чўлпон, Эркин Воҳидов ва Абдулла Орипов асарлари қанчалик қадрли бўлса, Шекспирдан Пушкингача ўтган жаҳон адабиёти намояндалари асарлари ҳам шунчалик қадрли эканлигини таҳлиллар билан асослаб беради. Зеро, олим таъкидлаганидек: "Даҳо санъаткорлар — улар шарқликми, ғарбликми, оқ танлими, қора танлими, мусулмонми, мажусий ё насронийми — юксак ғояларни куйлаганлар".

Китобда сўнгги давр танқидчилигида устувор йўналиш касб этаётган таҳлил йўллари, усуллари, уларнинг мақсад ва вазифалари ҳақида ҳам изчил кузатишлар баён этилган.

А.Расулов бадиий матн тузилмаси, сўз қиммати, имо-ишоралар, белгилар, бир сўз билан айтганда, структурали-семантик таҳлил ҳақида фикр юритар экан, қуйидагича теран илмий хулосалар чиқаради: "Тузилма — адабий матн структураси. Тузилма мисоли тана — структура: у яратилади. "Жонли" одамнинг тузилишида тартиб аъзоларининг ўрни, вазифаси бўлганидай, адабий матннинг ҳам юраги, мияси, кўзи, қулоғи... бор. ...Структурали таҳлил аниқ тузилмани, сўзнинг ўз ўрнида қўлланишини текширади. Одамдаги аъзоларнинг бир маром, бир меъёрда ишлагани каби, адабий матн тузилмасида ботиний мослик, тартибот бўлиши керак".

Муаллиф ушбу мезон асосида атоқли шоирлар Абдулла Орипов ва Рауф Парфи шеъриятлари ҳақида танқидчиликдаги талқинларга муносабат билдиради. Хусусан, Абдулла Ориповнинг "Тилла балиқча" шеъри ҳақида М.Қўшжонов, Я.Қосим, С.Мели қарашларига муносабат билдирар экан, шундай ёзади: "Талқин талқинга йўл очади. Шубҳа йўқки, "Тилла балиқча" XXI асрда ҳам мунаққидлар диққатини жалб этади, янги-янги талқинларга имкон беради".

А.Расулов ХХ аср ўзбек танқидчилигининг икки улкан намояндаси — Матёқуб Қўшжонов ва Озод Шарафиддинов ижодларини алоҳида меҳр билан таҳлил қилган, уларнинг услубига хос етакчи хусусиятларни белгилашга ҳаракат қилган.

Умуман, Абдуғаффор Расуловнинг "Танқид, талқин, баҳолаш" номли монографияси сўнгги давр ўзбек адабиётшунослигининг жиддий ютуқларидан бири сифатида баҳоланишга лойиқ. Унда олим илгари сурган илмий хулосалар долзарб муаммолар адабиёт назарияси ва адабий танқиднинг методологик, илмий-назарий асосларини яратишда муҳим аҳамият касб этади.

Ҳакимжон КАРИМОВ,
филология фанлари доктори
Курдош ҚАҲРАМОНОВ,
филология фанлари номзоди

Куни кеча Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетида адабиётшунос олим Абдуғафур Расулов билан ижодий учрашув бўлиб ўтди. Тадбирда университетнинг филология факултети декани И.Азимов, таниқли ёзувчи ва олимлар Ўткир Ҳошимов, Умарали Норматов, Асил Рашидов, Сафо Матжон ва бошқалар сўзга чиқиб, Абдуғафур Расуловнинг замонавий ўзбек адабиётшунослигининг ривожига қўшаётган ҳиссасини таъкидладилар.

"ИССИҒДИР СЎЗИНГ, ЎЙЛАКИМ, ЮЛДУЗИНГ!.."

Шоир, адиб, таржимон, маърифатпарвар

Тадқиқот, ахборот

Тошкентда гарчи кўбтур шоиру шеърхонлар,
Онларни(нг) барчасидан ҳам нуктадон Хислат.

Доим савоб ишиға ургай ўзини ўтдек,
Қайда гуноҳ бўлса, андин ниҳон Хислат.

Мирмуҳсин ШЕРМУҲАМЕДОВ
(1913 йили ёзилган.)

Шундай ижодкорлар бўладики, улар адабий-маданий анъаналарни ўзида мужассам этиб, муайян давр адабий муҳити руҳини йўналтиришга хизмат қиладилар. Шоир Хислат (Саид Ҳайбатуллоҳхўжа Орифхўжа ўғли, Тошкент, 1882 йил 10 май — 1945 йил 7 июн), умуман, Шарқ, шу жумладан, ўзбек мумтоз адабиётининг ана шундай нурли сиймоларидан бири эди.

Ёзувчи Тошқин, яқиндан билганларнинг гувоҳликларига суяниб ёзадики, Хислатнинг буваси Маҳмудхўжа катта эшон, буваси Шамсиойим зўр эшонойим бўлган. Шамсиойимнинг "хотинлардан 5-6 минг муриди бўлиб, донғи бошқа узоқ шаҳарларга ҳам кетган эди". Ўғиллари — Орифхўжа оиласини ҳам улар ўз қарамоқларида олиб юрганлар. Бувиси Ҳайбатуллоҳхўжанинг зеҳни, қобилиятини сезиб, унинг тарбиясига алоҳида қарайди. Уни 7 ёшларида Кўкча дарвозасидаги бир эшонойига, 4-5 йил ўтгандан кейин Розия отинга топширади.

Хислатдаги шеъру шоирликка ҳаваснинг юзага чиқиши ҳақида тўхталиб, Тошқин шундай дейди:

"Хислат 14-15 ёшга кирганда, бир қиз:

Кўзларингнинг шўхига
Мирриху Чўлпон ўхшамас, —

деган шеърни такрорлаб, ёқимли бир овоз билан ўқиганда, бу шеър Ҳайбатуллоҳхўжага жуда ёқиб кетиб, шеър ёзишга ҳавас қўзғолади. Кечакундуз шунинг хаёли билан савдойи бўлади. Сўнгра ойдин бир кечада қуйидаги шеърни ёзади:

Бўлса доим ҳамдамим бир ёри жонон кечаси,
Кўл тутиб қилсам саёҳат моҳитобон кечаси".

Эшонбува ва эшонойим тириклигида "муридмухлислардан назру ниёзлар ёмғурдек ёғиб турар эди". Улар ўтгач, оиланинг моддий аҳволи ночорлашади. Бу пайтда Хислат уйланган эди. У энди мадрасадаги ўқишини давом эттиролмай, рўзғор тебратиш ташвишига тушди. Аввал фонуссозлик, сўнг ромсозлик ва эшик ясаш ҳунарларини ўрганди. Лекин ғазал машқ қилишдан тинмади.

Шу вақтлари Ҳайбатуллоҳхўжа Мавлоно Камийга шогирд тушади. Камий унга "Хислат" деб тахаллус қўяди, тарбиялайди. Юсуф Сарёмий, Муҳйи Хўқандий, Сайид Аҳмад Васлий Самарқандий, Асирий Хўқандий сингари шоирлар билан таништиради. Хислат Бедил ижодини ҳам асосан Камий ёрдамида ўрганади.

Хислат шу тариқа жуда кўп шоирлар, санъаткорлар билан яқин, дўстона муносабатга киришади. Ўз даври адабий жараёнининг таъсирли вакилларидан бирига айланади. У тузган ва нашр эттирган баёзлар — "Армуғони Хислат", "Савғойи Хислат", "Туҳфайи Хислат", "Ҳадяи Хислат" муайян маънода ўша давр ўзбек адабиётини кўзгудек акс эттиради. Айни баёзларнинг тузилиши, уларга танлаб киритилган асарлар — бевосита ва билвосита равишда — Хислатнинг адабий-эстетик қарашларини ҳам ифодалаб туради.

Хислат тезда адабий давралардан ўзига муносиб жой олиб, ғазаллари ҳофизлар ижросидан қанот боғлади — Навоий, Лутфий, Машраб, Муқимий, Фурқат ғазаллари қаторида ашула қилиб айтила бошлади. Мулла Тўйчи Тошмуҳамедов, Акбарқори Ҳайдаров, Ғулом Ғаниев каби машҳур ҳофизлар унинг ғазалларини тараннум этадилар.

Найларам боғу чаман сайрини жонон бўлмаса,
Мисли товус силкиниб
ҳар ён хиромон бўлмаса,
Сарвқомат, орази гул, хатти райҳон бўлмаса,
Чашми шаҳло, ўзи барно, шоҳи хубон бўлмаса,
Ўлмайинму ҳажридин
жисмим аро жон бўлмаса...

Бу жаҳонда бир пари рухсор учун Хислат каби,
Бормикин афсона бўлгон ёр учун Хислат каби,
Ахди ёлгон бевафо дилдор учун Хислат каби,
Кеча-кундуз қон ютуб ашъор учун Хислат каби,
Ошиқи содиқ эмас, оламга достон бўлмаса.

Шоирнинг "Найларам боғу чаман сайрини жонон бўлмаса...", "Қандоқ қилай", "Эй нигорим", "Ойдек тўлубдур, жоно, юзингиз...", "Иқлими девона қилган бир пари савдосидир...", "Ўлдим асиринг, эй ёр...", "Эй хублар сароси", "Эй париваш...", "Оразингму ё гули раъномидур..." ва бошқа ғазаллари мумтоз шеъриятимизнинг анъанавий оҳангларига узвийлиги, туйғуларга бойлиги, самимийлиги билан кишиларга ҳануз завқ бағишламоқда.

Хислат миллий проза ривожига қўшган ижодий ҳисса ҳақида ҳам муайян фикрлар баён қилиш мумкин. Филология фанлари доктори, профессор Ҳамиджон Ҳомидий "Хислат "Барзунома"си" мақоласида ("Тошкенг ҳақиқати" газетаси, 1992 йил 24 сентябр) — "Абомуслимнома", "Ҳотамнома", "Темурнома", "Сомнома", "Жаҳонгирнома", "Доробнома", "Саидбаттоли Ғозий" сингари саргузашт қисса ва романлар силсиласида — 1914 йили Тошкентда "Қиссаи Барзуйи шер — фарзанди Рустам" номи билан босилган катта ҳажмли, мазмуни, композицион қурилиши, образлар системаси ниҳоятда мураккаб насрий асарнинг бош сюжет чизиғи, асосий ғоявий йўналиши ва образ яратиш маҳоратига қисқача тўхталади.

Мақола муаллифи саргузашт қисса ва романларда очилган Шарқ ривоявий мавзулари ҳақида сўзлаб, Фирдавсий "Шоҳнома"си асосий қаҳрамонларидан бири бўлмиш Рустами Достоннинг невараси (яъни Сухробнинг ўғли) Барзуга бағишланган талай асарлар мавжудлигини эслайди; XIII — XVII асрларда форсий тилда иккита шеърий "Барзунома" ёзилганини зикр этади; "Шоҳнома" ва мазкур "Барзунома"лардан илҳомланиб, XVIII асрда яшаган ўзбек шоир-таржимонлари Хомуший ва Шоҳ Ҳижрон ўз "Барзунома"ларини майдонга чиқарганлари хусусида сўзлайди. Ўз тадқиқоти хулосаларини баён қилиб, "Асарда Барзу ва унинг фарзандлари, Зол ва унинг авлоди, Афросиёб ва унинг авлодлари-дан ташқари юздан ортиқ баҳодир иштирок этади. Орада воқеаларга туронлик сипоҳсолор Пирони Виса авлодлари ҳамда Эрон сипоҳсолори Гударзи Кашвод, Туси Навзар шажаралари ҳам аралашади. Мана шу образлар ва ўнлаб ҳикоятлар юксак бир бадиий қудрат билан яратилган. Қаҳрамонларнинг ғайритабиий саргузаштлари, юзлаб шаҳар, қишлоқ, чашма, дарё, кўллар, боғ-роғлар, қаҳрамонларнинг ташқи қиёфаси, руҳий ҳолатлари ғоятда юксак санъаткорлик билан чизилган, турли-туман бадиий-тасвирий воситалар ишлатилган. Биз худди шу хилдаги "Барзунома"нинг форсий нусхасини қидирдик. Аммо дастхатлар хазиналарида ўнлаб достон ва ривоятлар мазмуни жамланган бундай китобни учратмадик. Гарчи асарнинг бош қисми мазмуни бироз пароканда бўлса ҳам, аммо воқеа давомида сюжет изчиллашиб, асар композицияси баркамоллашиб боради.



Ҳар бир образ ўзи бир олам, бетакрор сиймо. Биз баҳодирларнинг олишувию аламон жанглар тасвирини кузатар эканмиз, халқ китобларига хос барча фазилатлар асарда мужассамланганини кўрамиз. Асар ниҳоятда равон ёзилган, завқ билан ўқилади". "Умуман, бу асар анъанавий "Барзунома"лардан тубдан фарқ қилади. Ўзига хос оригинал қиссадир". "Хулоса қилиб айтганда, мазкур асар ўзбекча "Барзунома"лар орасида ўзига хос янги бир саргузашт роман намунаси сифатида жиддий ўрганиш ва қайта нашр этишга арзийди. Бизнингча, уни Хислат бир неча форсий манбалар асосида қайта яратган", — дейди.

Хислат бир ғазалида "Қиссаи Барзуйи шер"ни ёзиши жараёнини гўзал ифодалаб берган:

Ҳиҳамдиллоҳ дилимдан кетти қайғу,
Етиб итмомиға бу "Жанги Барзу".

Эди форсий тилида нусха аввал,
Анинг чун эрди элдин махфи ушбу.

Бериб кўп сийму зар қилдирди туркий,
Ани Ҳожи Исо хуштаъбу хушхў.

Саховат бобида гўёки Ҳотам,
Эрурлар базмидин эл барча мамлу.

Хати Шавкат хатидур, мулки хатнинг
Мусаҳҳар айлаган мисли Ҳулоку.

Тамом ўлгунча ушбу жангнома,
Кўзумга келмади бир кеча уйқу.

Хирад майдонида Хислат чопибон,
Тафаккур отини ҳар ёну ҳар су.

Деди солин, з-рўйи нақлу итмом,
"Таажжуб, достон "Жанги Барзу".

(Нашрга доцент У. Долимов ва З. Абдирашидов тайёрлаган.)

Бинобарин, ушбу ғазалида Хислат "Қиссаи Барзуйи шер"нинг таржимони (муаллифи) ўзи, ҳомийси Исоҳожи, котиби Шавкат (Сидқий Хондайлиқий) эканини аниқ айтади, асарнинг ёзилиш таърихини ҳам ҳавола этади.

Давоми олтинчи бетда.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофотига номзодлар

"ЙЎЛ БЎЛСИН"

Миллий кинематографиямизнинг қудратли бадиий оқимларидан бири поэтик йўналиш билан боғлиқ. Бу ҳолни ишонч билан қайд этишимизнинг сабаби мумтоз шеъриятимиз, шоирона руҳ билан суғорилган афсона, оғзаки ҳикоя, достонларимиз мавжудлигида, десак ҳақиқатнинг ярмини айтган бўламиз. Мазкур бой амалиёт, бадиий тажриба назарий жиҳатдан қайта тафаккур этилиб, мустақиллик даврида навқирон санъатлар бўлмиш кино ҳамда телевидениега тадбиқ қилинишидан кўпчилик умидвор. Зеро, шеъриятимиздаги кўтаринки руҳ, мусиқа ва меъморчилик санъатимиздаги улуғворлик — булар бағрикенг, иродали, эстетик қарашлари ҳамиша юксак бўлган халқимиз тафаккурининг бадиий ифодасидир. Бинобарин, бу анча мураккаб, айни вақтда гўзаллик қонуниятларига жавоб берадиган манзара эстетик эҳтиёжимизни қондириш билан бирга, санъатлар муносабатлари, ўзаро таъсирига оид назарияни бойитади ҳам.

Давлат мукофотига номзод сифатида қўйилган "Йўл бўлсин" бадиий филмини кинонинг ҳақиқий асарларини қадрлайдиганлар қувонч билан кутиб олишига сабаб шу. Мазкур филм экран санъатининг мустақил асари бўлиши билан бирга, асрлар оша бизга етиб келган



мисралар, куй, қўшиқ, пантомима, рақс, қўғирчоқ театрининг серзавқ кўринишлари таъсирида ижод этилган композициялар, овоз воситалари, монтаж йўллари, турли йирикликдаги кадрлар жилоси, айниқса, нафис тасвири орқали заковатли боболаримиз санъатига иккинчи умр бергани билан ҳайратга солади. Ҳа, бу тасмада ҳайратомуз лавҳалар, ижролар, кадрлар тўқнашуви — булар мустақил сценарий заминида суратга олинган ҳолда, ўтмишнинг бадиий тажрибаси инкор этилмаган бир тарзда яратилган. Фабулада, сюжет қурилишида, образлар талқинида эмас, асарнинг бадиий таркиби, поэтик қурилиши, мажозий ифодалар қўлланилишида ана шу таъсир сезилади.

Воқеалар тизими эса соддагина. Бўйи етган қизнинг ўйлари, қувноқ кайфияти, гўзалликни табиатда, инсонлар муносабатида кўриб қувониши, ниҳоят, илк севгиси учқунлари аланга олиб ишқ ўтига, алангасига айланиши тарихи аввало тасвир, сўнгра ижро, бир-биридан тубдан фарқ қилувчи, лекин бири иккинчисини тўлдирувчи кадрларда очила боради. Сюжет аста ривожланиб боришига, диалогларда фикрлар тўқнашуви ифодаланишига, образларни "оқ" ва "қора"га ажратиб қўйиб таърифланишига ўрганиб (аниқроғи, кўникиб!) қолган томошабин "Йўл бўлсин"нинг дастлабки кадрларидан таажжубланиши ҳам мумкин. Зеро, бу лавҳаларда воқеа ривожи сустдек кўринади, қаҳрамонлар ҳолатлари айтилган сўз билан эмас, малакали актёрлар ҳамда ҳаваскор ижрочиларнинг лирик-психологик портретлари, истиоралар, рамзий ифодалар, ниҳоят мусиқа садолари, хореографик кўринишлари билан томошабинга етказилади. Бу филмни фақат кўриш эмас, тинглаш, овоз воситаларида намоён бўлган ҳолатларни илғаб олиш талаб этилади. Биргина "Йўл бўлсин!" ашуласи, куйи филм давомида тўртбеш марта янграйди. Ҳар гал у янги эстетик вазифани бажаради. Ижро мароми, мазкур мусиқа асарининг ёки вокал тури танланиши, тасвир унга мос келиши ёки, аксинча, унга зид қўйилиши — булар сценарий муаллифларининг бадиий истеъдоди, заковат даражасида анча мукаммал ёзилган.

Қамара Камолова режиссёрлик маҳорати билангина эмас, нозик табиати, эстетик диди, кино шаклларини кўра билиш қобилияти туфайли олижаноб ғояни бойитиб, экранга олиб чиққан. Шу боис келинчак ва унинг дугоналари ҳаётдаги оқила қизларимиз каби кўп сўзламайди. Уларнинг гўзал қиёфалари, нафис ҳаракатлари, "Сунбула" ва "Йўл бўлсин"нинг маромида маликалардек одим ташлашлари, табассум билан ҳолатларини билдиришлари сизни мафтун этади. Шундай портретлар, мусиқали, поэтик филмга ярашган пантомима унсурлари, ранглар силсиласидан танлаб олинган туслар намоён бўлган кадрлар композитор М.Бафоев атайлаб ёзган мусиқа, шунингдек айнан ижро этилган халқ куйлари кўмагида сайқал топиб, дилимизга яқин манзарани ташкил этади. "Овоз симфонияси"дан қушларнинг сайроғи ҳам, шабаданинг майин эсиши ҳам, келин-куёвнинг шивирлаши ҳам, ҳаёт шовқин-сурони ҳам ўрин олган.

"Йўл бўлсин" аудиовизуал маданиятнинг амалиёти, назарияси эътиборда тутилиб таҳлил қилиниши муноқидга завқ беради. У ижод мактаби ҳам бўла олади. Беўхшов, қўпол "клиплар" сони кўпайиб кетаётган ҳозирги дамда, телеконцертни тайёрлаш, суратга олиш, монтаж қилиш ва эфирга узатишнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олмай ашула, рақс, интермедиялар саҳнада ёки студияда ёзиб олиниши оддий бир ҳол бўлиб қолганида, Қ.Камолова бошчилик қилган ижодий гуруҳнинг тажрибасидан ўрнак олиш зарур кўринади бизга. Мусиқани визуаллаштириш, экран ифодасини таъминлашдек мураккаб масала билан шуғулланаётган ТВ ходимига "Йўл бўлсин"да кашф қилинган кадрлар қўл келар... Шеърий мисраларни экранлаштириб бўладими? Шоирнинг образли сўзларига тенг келадиган кадрларни излаш жараёни қандай кечади? Бу каби саволларга ҳам биз тилга олган асар жавоб беради. Мисранинг моҳиятини очишга кўмаклашадиган эстетик шакллардан бирини эслатиб туради... Томошабин эса асардан завқ олади, кино аҳли нафис бўёқлар, гўзал қиёфалар, ёқимли садолар, монтаж имкониятлари нималарга қодир эканлиги ҳақида мулоҳаза қилиб, ўз ҳамкасбларига миннатдорлик йўллайди. "Йўл бўлсин!" аслида ўзбек киносининг истиқболини кўзлаб айтилган самимий тилакдир. Ва бу асар ҳар жиҳатдан давлат мукофотига муносиб.

Ҳамидулла АКБАРОВ

БАХШИЛАР БЕЛЛАШУВИ

Достончилик санъати жуда улкан ва ноёб хазина бўлиб, унинг яратилиши ва сайқал топиши авлодларнинг катта бадиий тафаккури билан боғлиқ. Кишилар орасидаги турли муносабатлар, воқеалар достонларда ўз аксини топган. Достонларни, улардаги терма ва қўшиқларни халққа етказишда етук ижрочи — бахши, шоир, достончи, оқин ва жировларнинг хизматлари каттадир. Бахши нафақат хотираси ўткир сўз устаси ва бадиҳагўй шоир, балки моҳир созанда, хонанда ва актёр ҳамдир. Абдулла шоир, Ислом шоир, Пўлкан шоир, Фозил Йўлдош ўғли, Эргаш Жумандбулбул, Бола бахши, Шерна бахши, Қодир бахши каби моҳир бахши-шоирлар ўзларига хос мактаблар яратганлар. Уларнинг анъаналари шогирдлари ижодида, айтган достонлари ёзма адабиётда мухрланиб, таълим масканларида ўзлаштирилмоқда ва тарғиб этилмоқда. Республика ва халқаро миқёсида ўтказиб келинаётган бахши-шоирлар ва оқинлар кўрик-танловлари достончилик санъатининг келажагини ўйлаб қилинган ишлардан бири бўлиб, кўплаб истеъдод эгаларини юртимизга танитмоқда.

Яқинда Қашқадарё вилояти Чироқчи туманида Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, республика Халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлари илмий-услубий маркази, Қашқадарё вилояти ҳокимлиги, вилоят маданият ва спорт ишлари бошқармаси, Чироқчи тумани ҳокимлиги ҳамкорлигида анъанавий бахши-шоирлар, жировлар ва оқинларнинг республика кўрик-танлови ўтказилди. Қадимий ўлкалардан бири ҳисобланган Чироқчи туманида халқ ижодиёти сарчашмалари — халқ айтимқўшиқлари, ўйинлари ва достонлари катта ўрин тутади. "Чироқчи чироқлари" халқ фолклор ансамбли, Ўзбекистон халқ бахшиси Шомурод Тоғаев номлари республикада кенг ёйилган.

Кўрик-танловда Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Самарқанд, Сурхондарё, Қашқадарё, Жиззах, Сирдарё ва Тошкент вилоятларидан қирққа яқин бахши-шоирлар, оқинлар, жиров ва халфалар қатнашдилар. Бу йилги кўрик-танлов икки йўналишда бўлиб ўтди: бахши-шоирлар ва жиров-оқинлар орасида. Ҳар бир йўналиш ўзига хос ижро услублари ва репертуарлари билан ажралиб туради. Ушбу йўналишларда танлов ўтказилишидан мақсад диёримиз кўпмиллатли ўлка, шу туфайли азалдан турли миллат анъаналари ва қадриятлари, бадиий мерос намуналари эъзозланиб келинган, уларни сақлашга ва кенг ривож олишига имкониятлар яратилган. Қозоқ миллатига хос оқинлик санъати, айтишувлари кенг тарқалган; жировчилик ҳозирги кунда фақатгина Қорақалпоғистонда мавжуд бўлиб, унинг ижро мактаблари йўқолмоқда. Шу сабабли, ушбу санъат йўлларига алоҳида эътибор қаратиш мақсадида илк бор жиров-оқинлар танлови ўтказилди.

Низом бўйича ҳар бир қатнашчи битта терма (турли мавзуда) ва анъанавий достондан парча ижро этиши лозим эди. Ўзбекистон халқ бахшилари Шомурод Тоғаев ва Абдуқаҳҳор Раҳимов (Қашқадарё), Зиёдулло Исломов (Самарқанд), Абдуназар Поёнов ва Бобораим Маматмуродов (Сурхондарё)ларнинг чиқишлари тингловчиларга катта завқ-шавқ бағишлаб, ёш бахши-шоирларга илҳом ато этди. Абдуназар Поёновнинг чироқчиликларга бағишланган термаси самимий олқишлар билан қабул қилинди. "Ниҳол" мукофоти совриндори Илҳом Норов ва ёш умидли бахши Санжар Чубаевларнинг чиқишлари ҳам тингловчилар томонидан самимий қабул қилинди. Хоразмлик Етмишбой Абдуллаев, халфа Қундуз Искандарова ва чироқчилик Шомурод бахши Тоғаевларнинг терма ижролари тингловчиларни рақсга чорлади. Энг ёш қатнашчи Ҳуснидин Ҳолиқовнинг чиқиши гулдурос қарсаклар билан кутиб олинди.

Ижрочилар бўғиқ ва назмий услубларда термалар ва "Алпомиш", "Гўрўғли", "Авазхон", "Ошиқ Маҳмуд", "Эдига" каби достонлардан парчаларни тингловчиларга тақдим этдилар. Ўзбекистон Республикаси фан арбоби, профессор Тўра Мирзаев раҳбарлигидаги ҳакамлар ҳайъати хулосасига кўра жиров-оқинлар танлови бўйича: учинчи ўрин — жиров Бахтберген Сиримбетов (Қорақалпоғистон), иккинчи ўрин — оқин Карсибек Кантураев (Жиззах вилояти)ларга насиб этди. Ушбу йўналиш бўйича биринчи ўрин берилмади. Бахши-шоирлар танлови бўйича: учинчи ўринни Очил Чоршанбиев (Қашқадарё вилояти) ва Бахшигул Тоғаев (Сурхондарё вилояти); иккинчи ўринни Илҳом Норов (Сурхондарё вилояти) ва Етмишбой Абдуллаев (Хоразм вилояти); биринчи ўринни Тенелбой Каллиев (Қорақалпоғистон) ва Абдурашид Боймуродов (Қашқадарё вилояти) эгалладилар.

Кўрик-танлов қатнашчилари Чироқчи тумани ҳокимлиги совғалари, "Маҳалла", "Олтин мерос" хайрия жамғармалари, "Камолот" ёшлар ҳаракати совринлари билан тақдирландилар.

Танлов ютуқларни кўрсатиш, тажриба алмашишга ёрдам бериш билан бирга, баъзи муаммоларни ҳам очиб берди. Жумладан, айрим жойларда ижрочилик мактабларига хос бўлган "устоз-шогирд" анъаналари, маҳорат савияси ва бахшичиликка хос бадиҳагўйлик услублари, сўз ва куй мутаносиблиги анча суст. Термалар мазмунида, достонлардаги куй-оҳангларда бир хиллик кўзга ташланмоқда. Бахшиликка хос бадиий сўз — достон сўзи йўқолиб бормоқда. Умир бахшининг фалсафий термалари, Қодир

бахшининг лирик термалари ижрочилар репертуаридан ўрин олмаган. Бўғиқ овоз ижро услуби ҳам очиқ овоз билан алмаштирилган ҳолда қўлланмоқда. Ҳудудий кўрик-танловларга эътибор сусайган. Оқинлик маҳоратини белгиловчи айтишувлар, жировларнинг ижро анъаналари ёш ижрочилар ижодида ўз аксини топмаган. Бу каби муаммолар жойларда ўз ечимини топади, деган умиддамиз.

Рустамбек АБДУЛЛАЕВ

ОҚСОҚОЛ

Китобингизни ўқидим

Ўзбекистонда Олий театр таълими ривожига катта ҳисса қўшган олимларимиздан бири Ҳамид Абдуллаев саксон ёшга тўлди. Ҳ.Абдуллаев Тошкент давлат Театр ва рассомлик санъати институтини битириб, шу институт ректорлигига тайинланган тўнғич театршунослардан.

Ҳамид ака ўн беш йил давомида жамоага раҳбарлик қилди. Шу йиллар давомида институт ривожланди ва камолотга юз тутди: 1962 йили актёрлик ва театршунослик мутахассисликлари бўйича сиртқи бўлим, 1964 йили мусиқали драма ва комедия театри актёрлиги факултети, унинг махсус кафедраси, оммавий тадбирлар режиссураси ва балетмейстерлик факултети, қўғирчоқ театри актёрлиги ва режиссёрлиги кафедраси, 1973 йили театр ва рассомлик санъати мутахассисликларининг барча кўринишлари бўйича тайёрлов курслари очилди. 1967 йилдан эътиборан барча талабларга жавоб берувчи янги ўқув театри қурилиб, иш бошлади. Талабалар ётоқхонаси қурилиб, ишга тушди. Ана шу жараёнларнинг иштирокчиси, фаолларидан бири, албатта, институт ректори Ҳамид Абдуллаев эди.

У ўзбек театр ва тасвирий санъати соҳасида миллий кадрлар тайёрлаш, илмий-услубий ишларнинг сифатини яхшилаш, институтнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш борасида астойдил меҳнат қилди. Инсонийлик тамойилларига содиқ қолган ҳолда, турли ижодкор шахсларнинг кўнглига йўл топишга, улар билан дўстона муносабатда бўлишга ҳаракат қилиб, айни вақтда талабчан ва қатъиятли раҳбар сифатида иш тутди.

Шу даврда театр, кино, тасвирий санъатнинг барча турлари бўйича кўплаб иқтидорли талабалар билим олиб, келажакда танлаган соҳалари бўйича етук санъат усталари бўлиб етишдилар. Булар орасида Б.Йўлдошев, Р.Ҳамидов, Н.Отабоев, Қ.Абдуреимов, Н.Ансатбоев, К.Йўлдошев, Э.Масафоев, О.Салимов, Э.Комилов, Т.Мўминов, С.Умаров, М.Ражабов, Ё.Саъдиев, Ж.Зокиров, Г.Зокирова, Г.Жамилова, Ғ.Ёқубов, Ш.Жўраев сингари кўплаб халқ ардоғидаги ижодкорлар бор. Уларнинг шахс ва ижодкор сифатида камолотга эришувларида Ҳ.Абдуллаевнинг ҳиссаси катта.

Ўзбек эстрада санъати ривожида янги йўналишларни очган "Ялла" вокал чолғу ансамбли институт раҳбарлари, хусусан Ҳамид Абдуллаевнинг қўллаб-қувватлашлари замирида ташкил топган ва шаклланган эди. Театршунос, санъатшунос, педагог олимлардан Тойир Исломов, Ҳамидулла Икромов, Муҳаббат Тўлахўжаевалар ҳам шу даврда етишиб чиқишган.

Тошкент Театр ва рассомлик санъати институтида таҳсил олган мутахассислар нафақат Ўзбекистон, шу билан бирга Россия, Қозоғистон, Тожикистон, Туркманистон давлат театрларида ҳам фаолият кўрсатмоқдалар. Улар орасида россиялик В.Рецептер, И.Ледогоров, туркманистонлик Б.Аннанов, А.Жаллиев, Қорақалпоқ курсида таҳсил олган Ўзбекистон халқ артистлари Қуватбой Абдиреимов, Нажмиддин Ансатбоев, Байрам Матчонов, Ўрингул

Муродова, Байрам Муродов, Тамара Дошумоваларни мисол келтиришимиз мумкин.

Қутлаймиз!

Ҳамид Абдуллаев 1974 йили янги ташкил этилган Тошкент давлат Маданият институти ректорининг ўқув-тарбиявий ишлар бўйича проректори этиб тайинланди. Билимдон мураббий, жонкуяр раҳбар сифатида барча илмий тадқиқот мавзуларини институт миқёсида жадаллаштириш ишига жиддий эътибор берди. Ўзи санъат масалаларига оид илмий-услубий рисолалар яратди.

Ҳамид Абдуллаев бутун фаолиятини олий маълумотли, малакали ёш мутахассислар тайёрлашга сарфлади. Ҳалол ва фаол инсон сифатида ижод аҳли, шогирдлари қалбидан жой олиб, санъат тараққиёти учун сидқидилдан хизмат қилувчиларга ҳамон ўрнак бўлиб келмоқда.

Ҳозир ўзи билим олган ва раҳбарлик қилган жамоасига қайтиб, эстетика фанидан сабоқ бермоқда. Биз устозни муборак саксон ёши билан бутун жамоа номидан қутлаймиз. Саломатлик, хотиржамлик ва қувонч ҳамишалик ҳамроҳингиз бўлсин, деймиз.

Тошпўлат ТУРСУНОВ

БУЮК РЕЖИССЁР ЭСТЕТИКАСИ

Ўзбек миллий театри асосчиларидан бири, улуғ режиссёр, атоқли актёр, таржимон ва драматург, серғайрат театр ташкилотчиси Маннон Уйғур фаолиятининг илмий таҳлилига бағишланган бир қатор адабиётлар, мақолалар, эсдаликлар, хотиралар мавжуд.

Яқинда нашрдан чиққан, фалсафа фанлари номзоди Маъмуржон Умаровнинг "Маннон Уйғур эстетикаси" монографиясини уйғуршунослик соҳасидаги илмий изланишларнинг яна бир намунаси дейиш мумкин.

Рисола Маннон Уйғур ижодининг дастлабки даври, яъни 1916 — 1924 йиллардаги ниҳоятда ибратли, сермаҳсул ташкилотчилик, режиссёрлик, актёрлик ва таржимонлик фаолиятининг таҳлилига бағишланади. "Ўзбек театр санъатининг тарихий ва ғоявий асослари" (1914 — 1924), "Ўзбек миллий актёрлик санъати эстетикаси шаклланишида Маннон Уйғурнинг роли", "Миллий режиссура санъатида эстетик тамойилларнинг қарор топиши ва намоён бўлиш хусусиятлари" каби учта катта бобдан ташкил топган бу рисолада санъаткорнинг ўтган аср бошларидаги сермашаққат маърифатпарварлик, миллатпарварлик, театрчилик фаолияти илмий асосда, атрофлича таҳлил қилинади.

Муаллиф ХХ аср бошларида Туркистон театрчилик ҳаракати ва унинг ташкилотчиларидан бири бўлган Маннон Уйғур фаолиятини бугунги кун нуқтаи назаридан, тарихий ҳақиқатни тиклаган ҳолда, адолатли таҳлил қилишга ҳаракат қилади.

Жадидлар фалсафасидан таъсирланган Маннон Уйғур театр санъатини — ахлоқий ғояларни тараннум этувчи, саҳнавий гўзаллик яратувчи олий эстетик онгнинг натижаси, унда ижод қиладиган актёрлар ва режиссёрлар эса ўз шахсияти ва руҳий-маънавий оламини намойиш этадиган жараён деб билади. Театрни — ибратхона, актёрни — "ахлоқ муаллими", драматургни "ғоя яратувчи файласуф" деб тушунади.

Ўзбек миллий театри тарихида Маннон Уйғур биринчи бўлиб Амир Темурнинг саҳнавий қиёфасини яратганлиги, бу тарихий воқеа 1919 йили Абдурауф Фитрат ташкил қилган "Чиғатой гурунги" томонидан уюштирилган "Навоий кечаси"да, "Темур саганаси" асарининг саҳна версиясида сондир бўлганлиги эътироф этилади. Булардан ташқари, режиссёрнинг Ғулом Зафарий билан ижодий ҳамкорликда мусиқали драма театрига асос солганлиги, улар топган ўзбекона миллий шакл ҳозирги кунда вилоят мусиқали драма ва комедия театрларининг мазмунига ҳамоҳанг эканлиги китобда қайд этилади.

Муаллиф Маннон Уйғур ижро этган ролларни таҳлил қилиш орқали у саҳнада яратган образларнинг ўзбек актёрлик санъати мактабини яратишдаги ўрнини белгилайди.

Жанр масаласида иқтидори чегара билмаган Уйғур ичакузди комедияларда; импровизацияга бой жиддий ижтимоий драмаларда; севги, муҳаббат мавзуларидаги ички изтиробларга бой мусиқали асарларда; жаҳон мумтоз трагедияларида — озодлик, эрк ва тенглик йўлида қурбон бўладиган фожеий қаҳрамонлар образларини яратишда, ҳақиқий санъаткор эканлигини намойиш этган.

Китобнинг учинчи бобида ўзбек миллий режиссура санъатининг туғилиши, санъат сифатида шаклланиши, улғайиб профессионал даражага эришишида Маннон Уйғурнинг фидойилиги, изланувчанлиги, миллий, анъанавий театримиз йўллари ва ифода воситаларидан баракали фойдаланиш каби кўплаб фазилатлари батафсил таҳлил қилинади.

Китобнинг хулоса қисмида М.Умаров "Маннон Уйғур Москвага ўқишга кетгунига қадар ўзбек театрини жаҳон театрлари даражасидаги бадиий савияга олиб чиққан моҳир таржимон, машҳур актёр, атоқли режиссёр, қобилиятли бадиий раҳбар бўлган — шу боис у ўзбек миллий актёрлик ва режиссёрлик мактабининг асосчиси" деб, бу санъаткорнинг ўзбек миллий театр санъати тарихидаги ўрнини белгилайди.

Шунингдек, унинг услубини ўрганишни навбатдаги масала қилиб қўяди. Тавсиялар қаторида "Маннон Уйғур музейи" зарурлигини таъкидлайди. "Маннон Уйғур эстетикаси" китобининг санъаткорлар, театр ижодкорлари, театршунос олимлар, санъат институти ўқитувчилари учун ниҳоятда қимматли яна бир томони, иловада Маннон Уйғур ижодидан намуналарнинг берилишидир. Айниқса, санъаткорнинг эсдаликлари, газета саҳифаларида босилган суҳбат ва мақолалари, "Гамлет" постановкасининг режиссёр экспликацияси, "Отелло" постановкаси ҳақидаги мақоласи Уйғур режиссурасининг қанчалик теран, серқирра ва бойлигидан далолат беради.

Ҳамза ШОДИЕВ,
Тошкент давлат Санъат институти ўқитувчиси

МАДАНИЙ ҲАЁТ

Гулистон шаҳри амфитеатрида "Терроризм ва гиёҳвандликка қарши" шиори остида "Шу азиз ватан барчамизники" деб номланган дўстлик форуми ўтказилди. Тадбирда вилоят маданият ва спорт ишлари бошқармасининг барча санъат усталари қатнашдилар. Спортнинг бадиий гимнастика, спорт гимнастикаси, кураш ва каратэ турлари бўйича кўргазмали чиқишлар намойиш этилди. Тадбир доирасида турли миллат маданият марказларининг кўргазмалари ва вилоят расмлар галереясининг асарлари намойиш этилди.

Форумда Ўзбекистон Республикаси бош вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси Светлана Иномова, вилоят ҳокими Абдураҳим Жалолов иштирок этдилар.

М.КАРИМОВА

ИСПАН МУСИҚАСИ БАЙРАМИ

"Ўзбекистон солистлари" давлат камер ансамбли 1986 йили республикамизнинг ёш, истеъдодли мусиқачиларидан ташкил топган эди. Ансамблга кўп йиллардан буён Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Анвар Раимжонов бош дирижёр ва бадиий раҳбар бўлиб келмоқда. Оркестрдаги мусиқачилар ёш бўлишларига қарамай, халқаро ёки республика танловлари лауреатидир. Шунинг учун ҳам бу жамоанинг концертлари юқори савияда ўтади.

Яқинда Ўзбекистон давлат консерваториясининг катта залида "Ўзбекистон солистлари" жамоаси испан санъатига бағишланган дастурини намойиш этди.

Концерт икки катта қисмдан иборат бўлиб, илк қисмида солистлар соло услубида оркестр жўрлигида ижро этишди. Кечани Пабло Сарасатенинг "Андалусия романси" асари билан ёш мусиқачи, республика танловлари лауреати Ксения Вицак оркестр жўрлигида очиб берди. Сўнг халқаро конкурслар лауреати Дониёр Зупаров Давид Топпернинг "Испанча рақс" асарини ижро этди. Асарни юксак савияда ижро этган мусиқачида катта истеъдод, пухта тайёргарлик, улкан масъулият билан бирга, хотиржамлик, ўзига ишонч сезилиб турди.

Машҳур француз композитори Сесил Шаминад испан мусиқаси гўзаллиги таъсири остида овоз ҳамда фортепиано учун "Испан серенадаси"ни яратди. Асарнинг Анвар Раимжонов скрипка ҳамда оркестр учун мўлжаллаб қайта ишлаган талқинини халқаро танлов лауреати Амина Раимжонова ижро этди.

Машҳур испан бастакори Эдуард Элгар қадимий Каталония халқ қўшиғи бўлмиш "Қушлар қўшиғи"ни ноталарга туширганди. Буюк испан виолончелчиси, композитори, дирижёри Пабло Казалс томонидан бу қўшиқ виолончел ва оркестр учун қайта ишланди. Ана шу ғўзал асар халқаро танлов лауреати Суннат Иброҳимов ва оркестр томонидан ижро этилди. Бу созанда Мануэл де Фалянинг "Олов рақси" ижросида ҳам юқори маҳоратини намойиш қилди.

Халқаро танловлар лауреати, катта истеъдод соҳиби Мадат Худойбергана

нов Пабло Сарасате қаламига мансуб "Баск капричиоси" асари билан томошабинларни лол қолдирди.

Концертнинг иккинчи қисмида республикамизнинг истеъдодли гитарачилари, доцент Евгения Коннова ва Виктор Цветковнинг шогирдлари, халқаро танловлар лауреати Анатолий Пак ҳамда республика танловлари лауреати Андрей Галоян қатнашдилар. Концертда бу икки моҳир гитарачи Испаниянинг машҳур композиторларидан бири Хоакин Родриго асарларини мухлислар эътиборига ҳавола этдилар.

Мазкур концерт Испан санъатининг ҳақиқий байрамига айланиб, мухлислар қалбида чуқур из қолдирди.

Дилафрўз ҚУРБОНОВА

"Иссиғдир сўзинг, ўйлаким, юлдузинг!.."

Боши тўртинчи бетда.

Профессор Ҳ. Ҳомидий Фирдавсий "Шоҳнома"си ва унинг туркий таржималари, иқтибосларини чуқур филологик таҳлил қилган йирик мутахассис бўлиб, унинг "Қиссаи Барзуйи шер — фарзанди Рустам" асарига берган юксак баҳоси асосли эканига ишончимиз комил. "Бир неча форсий манбалар асосида қайта яратилган", "ўзига хос оригинал қисса" бўлган бу асар XX аср бошларидаги ўзбек насрининг халқ китоблари йўналишида майдонга чиққан забардаст бир адиб — Хислат ҳақидаги ҳақиқатни тиклаш учун имконият яратади. Салоҳиддин Тошкандий қаламига мансуб — Тошкентда, Илин босмахонасида 1908 йили чоп этилган — "Темурнома"нинг Поён Равшанов томонидан 1990 йили қайта нашр қилиниши ана шундай воқеа бўлган эди. Балки "Қиссаи Барзуйи шер"нинг оригинал бадиий асар экани тўғрисидаги илмий фикрни биринчи бўлиб олға сурган профессор Ҳ. Ҳомидий унинг янгидан босилишида нашрга тайёрловчи ёки масъул муҳаррир сифатида ҳам жонбозлик кўрсатар, Хислатнинг адиб сифатидаги сиймоси яққол намоён бўлишида ҳам камарбаста бўлар.

Зеро, Ҳ. Ҳомидий мақоласи замиридан уқиш мумкинки, "Қиссаи Барзуйи шер" Шарқ адабиёти, жумладан, унинг энг ёрқин саҳифаларидан бирига мансуб — улуғ шоир Фирдавсий "Шоҳнома"си сюжетларини ўзига хос тарзда синтез этиш, ривожлантириш натижасида ўзбек тилида яратилган оригинал асардир; уни қайта нашр этиш, илмий тадқиқ қилиш миллий насримиз илдизлари қанчалар теранлигини англашга кўмаклашади. Ўзбек адабиётининг бундай муваффақиятларига Хислат каби кўпдан-кўп фидойи заҳматкашларнинг сингран ижодий меҳнатини рўшноликка чиқаради.

Хислат кўпқиррали фаолият олиб борган маърифатпарвар эди. У Умар Боқий Алишер Навоийнинг "Лайли ва Мажнун", "Фарҳод ва Ширин" достонлари асосида яратган қиссаларни ҳам нашр эттиради.

1940 — 1941 йиллар орасида Тошқин ва Насрулло Охундий билан ҳамкорликда Низомийнинг "Лайли ва Мажнун" достонини таржима қилади. Унинг 740 мисрали "Нон ва ҳалво" тўпламини таржима қилиб, босмага тайёрлагани ҳам маълум. 4 баёз тузиб, унда 86 ўзбек шоирининг 230 энг гўзал шеърини жамлайди.

Хислат болаларга атаб асарлар битган, ўзбек болалар адабиётининг шаклланиши йўлида ҳам ўзига хос ижодий хизмат қилган. Унинг Убайд Зоконий асаридан ижодий бахра топиб ёзган "Мушук ила Сичқон" шеърий қиссаси айниқса машҳурдир.

"Армуғони Хислат" ҳақида тўхталиб, "Бу баёзда 63 шоирнинг 118 та шеъри бор бўлиб, бу-ларнинг ҳаммаси Тўйчи ҳофиз томонидан ашула қилинади, — дейди шоирнинг ўзи. — У шеъ-ларнинг ҳаммасини устига "Чоргоҳ" куйидами, "Ушшоқ" куйидами — қайси куйда ашула қилинишини ҳам ёзиб қўйилган...

Менинг баёзимга шеърлари кирган шоирларнинг кўпи Фурқат, Муқимий ва Камий сингари

менга замондош шоирлардир. Шунинг учун ҳам менинг баёзларим XIX асрнинг II ярми ва XX асрнинг бошларини ўз ичига олган ўзбек адабиёти тарихининг энг бой ва нодир хазинаси ҳисобланади".

Хислат Мулла Тўйчи ҳофиз билан қиёматлик дўст эди. У Мулла Тўйчи ижросидаги ғазалларни китоб қилиб чиқаришни кўнглига тугади.

Йиғиб манга беринг абётларингиз,
Китоб айлай солибон отларингиз, —

деб маслаҳат солган Хислатга жавобан Тўйчи ҳофиз:

Қулоғимга яхши келур бу сўзинг,
Иссиғдир сўзинг, ўйлаким, юлдузинг, —

деб рози бўлади. Натижада "Армуғони Хислат" (1912 йил) юзага чиқади.

Тошқиннинг ёзишича, "буни халқ орасига тарқатиш учун хуржунга солиб, бир қанча шаҳарларда, кўпинча Фарғона шаҳарларида кезиб юрди. Жумладан, Қўқон шаҳрига олиб борганида: "Бунга Тўйчи ҳофизнинг сувратини солиб чиқарибдур. Китобга суврат солиш ислом шариатига хилоф!.." деб, Қўқон мутаассиб муллалари иғво кўтардилар ва Хислатни тошбўрон қилиб ўлдиришга фатво бердилар.

Уни, Қўқондаги баъзи дўстлари бу фожиалик ҳодисадан хабар топиб, кечалаб Тошкентга қараб қочиртирибдилар. Бўлмаса, эртасига тошбўрон билан ўлиб кетиши аниқ эди".

Хислат 63 йиллик умри давомида ҳаёт аччиқчучугини тотди, изтироблар чекди, фарзандлар доғини кўрди, ўтган асрнинг 1932 — 1933 йилларида йўқчиликка ҳам дуч келди, "оч ҳолда қолган сабабли соч ўсдуриб жиннилик эълон" қилди (Тошқин ибораси), "Селмаш" заводида тахта тилди...

Хислат ҳар қандай ҳолатда ҳам назари тўқ, синини бузмайдиган инсон бўлган — Тошқин буни бир воқеа мисолида шундай тасвирлайди:

"Бир кун шоир Хислат бир ошнисининг уйига бориб қолиб, палов пишираётганининг устидан чиқади. У ошноси ўз оиласига лойиқ ош қилаётган экан. Қарадики, меҳмон бўлиб келган шоирга ҳам паловдан берса, ўзлари тўймай қоладилар. Шунинг учун ўчоқда ёниб турган оловни ўчиртириб, ҳеч нарсани кўрмагандек нон, чой қилиб, меҳмон олдида ўтира берди. Шунда шоир Хислат сезиб қолиб:

Қизғониб, ўртоқ, мендан паловинг,
Имлаб ўчирдинг ёнғон оловинг", —

деган шеърини ёзиб, дастурхоннинг остига қистириб жўнаб кетди".

Унинг кўнглида умидлари кўп эди. Ғазаллари жаҳонда ўзидан ёдгор бўлиб қолишини билар эди. "Ёшлигидан бирга юриб, бирга ўсган, шайх Зайниддин боболик Сиддиққожи (номли) бир қалин ошнаси Хислат Эшон дедингми, кўзларидан ёшлар оқиб, унинг таърифига киришади, — деб ёзади Тошқин. — Шоир Хислат унга доим: "Ман минг йил яшайман!" — деб юрар экан. Бу гапга ул тушунмас, маъносини ундан сўрашга ботинолмас экан. Мен Сиддиққожига маъносини тушунтирдим. Ул манга раҳматлар айтди ва икки кўзидан шов-шув ёшлар оқизиб, шоирнинг руҳига Қуръон ўқиб бағишлади". "... Жонасига бир мингга яқин одам йиғилиб, тамом иззат ва ҳурмат билан Шайх Зайниддин бобонинг гумбази яқинига элтиб кўмдилар. Унинг жуссаси йўғон, йўлбарсдек кучли бир одам бўлса-да, вақтсиз дунёдан кетишига 10-11 йиллардан буён давом этиб келаётган "нафас қисиш" касали сабаб бўлди", — дейди яна Тошқин.

Шоир Хислат адабий мероси, юқоридаги маълумотлар кўрсатадики, бой ва ранг-баранг. Уни тўплаш, тадқиқ қилиш, бугунги кун кишилари эътиборига ҳавола этиш савоб бўлади. Ана шунда Хислат сиймоси, ҳеч шубҳасиз, янги авлод кўз ўнгида гўзал шоир, забардаст адиб, моҳир таржимон, ўз даври адабиётининг билимдон хазинабони, маърифатпарвар, ҳассос, одамий шахс сифатида салобат билан жонланажак.

Муҳаммадали ҚЎШМОҚОВ,
филология фанлари номзоди

**** Биз ушбу мақолани ёзиш жараёнида, ҳурматли Музаффар Асадуллаев илтифотлари билан, Мўминжон Муҳаммаджон ўғли — Тошқиннинг "Шоир Хислат" деб номланган рисоласидан фойдаланиш имконига эга бўлдик. Яъни Тошқиннинг ушбу, араб алифбосида "хатти ислоҳ" билан битилган ва муайян вақт Ҳамид Сулаймонов номидаги Қўлёзмалар институтида сақланган табаррук дастхат(автограф)идан филология фанлари номзоди Тўхтамурод Зуфаров 1995 йил март — август ойлари орасида кўчирган (5.08.1995 йили тугалланган) нусхасидан фойдаландик. Барча мисоллар шу манбадан олинди.***

Абдулла ҚАҲҲОР — 100

МАҚСАД — ҚАЛБ ТАРБИЯСИ

Улкан адиб, моҳир сўз санъаткори Абдулла Қаҳҳорнинг 100 йиллиги муносабати билан республикамизнинг барча гўшаларида ижодий кечалар, учрашувлар ўтказилмоқда. Куни кеча Халқ таълими вазирлиги, Республика таълим маркази, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Тошкент шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси ҳамкорлигида "Абдулла Қаҳҳор — буюк сўз санъаткори" мавзуида илмий-амалий анжуман ўтказилди. Пойтахтдаги 243-мактабда бўлиб ўтган ушбу тадбирда олимлар, филолог услубиётчилар, адабиёт ўқитувчилари ва дарсликлар муаллифлари иштирок этишди.

Дарҳақиқат, Абдулла Қаҳҳорнинг "ҳар биттасига бир роман фикри жойланган" ҳикоялари нафақат ўзбек адабиётининг, балки жаҳон ҳикоячилигининг дурдоналари қаторида туради. А.Чехов, О'Генри ижодий анъаналарини маҳорат билан давом эттирган адиб ўз асарларида тилимизнинг бой имкониятларини намоён этиш билан бирга, эзгулик ва ёвузлик, адолат ва ноҳақлик, ақл ва фикрсизлик ўртасидаги абадий кураш манзараларини маҳорат билан кўрсатиб берди. Бу эса, эртанги кун эгалари бўлган ёш авлод қалбини тарбиялашда ғоятда муҳим аҳамиятга эга.

Конференция иштирокчилари ўз маърузаларида Абдулла Қаҳҳор сўзини бутун сеҳри жозибаси билан ёшлар қалбига етказа олиш йўллари, услублари ҳақида ўзаро фикр алмашдилар. Педагогика фанлари доктори, адабиётшунос Қозоқбой Йўлдошев Абдулла Қаҳҳорнинг нафақат қаҳрамонлари, балки шахси, ҳалоллик, тўғрисўзлик, ўз виждонига хиёнат қилмаслик каби фазилатлари ҳам ўқувчи, талабалар учун ибрат мактаби бўлишини алоҳида таъкидлади. Республика таълим маркази бўлими мудири М.Абдураимова, Тошкент шаҳар Ўқитувчилар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш институтининг кафедра мудири Қ.Ҳусанбоева Абдулла Қаҳҳор асарлари ёшларга маълум бир синфда ёки маълум бир дарсдагина эмас, балки бутун умри давомида ҳамроҳ бўлиб қолишига эришиш зарурлигини таъкидлади. Шунингдек, Республика Таълим маркази бош методисти Н.Ғуломова, Тошкент шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси методисти Г.Эргашева, 243-мактаб раҳбари Н.Нишонова атоқли адибга бағишланган бу тадбир Хотира ва қадрлаш куни арафасида ўтаётгани рамзий маънога эгалигини айтиб ўтдилар.

Анжуман якунида ўқувчилар Абдулла Қаҳҳор асарлари асосида тайёрланган саҳна кўринишларини намойиш этдилар. Шунингдек, улуғ адиб ижодига ва нодир ҳикояларига бағишлаб чиқарилган деворий газеталар танлови ўтказилди.

Иброҳим АЗИЗ ЎҒЛИ

Тошкентдаги II Республика тиббиёт коллежида ҳам Абдулла Қаҳҳор таваллудининг 100 йиллиги олдидан "Абдулла Қаҳҳор қалбимизда ва ёдимизда" мавзуида адабий-бадиий кеча бўлиб ўтди.

Кечани коллеж директори Миржалол Адилов кириш сўзи билан очди. Ёзувчининг шогирдлари Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ўткир Ҳошимов ва Ўзбекистон Миллий университети профессори Абдуғафур Расулов қизиқарли хотираларни гапириб бердилар.

Тадбирда ёзувчининг "Ўғри", "Кампирлар сим қоқди", "Аяжонларим", "Оғриқ тишлар" асарларидан парчалар талабалар томонидан ижро этилди. Кеча иштирокчиларда бой таассуротлар қолдирди.

Н.МУҲИБОВА,
коллеж ўқитувчиси

Олқор Дамин ижодига изоҳ шарт эмас. Иштихонлик иқтидор соҳиби муаллимлик тажрибаси, ижодий ташкилотлардаги фаолияти баробарида дурустгина шоир бўлиб танилди. Иқтидори, меҳнати ва камтарлигидан обрў топди.

Мактабларда Олқор акани билмайдиганлар кам. Болалар учун ёзган дилбар шеърлари ҳатто қўлланма ва дарсликларга кирган. Болажон шоир юзлаб ёш ижодкорларни адабиёт даргоҳига етаклаб кирмоқда.

"Салом, яхшилик!", "Тошдаги гуллар", "Сабр ҳайкали", "Ўлмас даҳолар", "Ассалом, Соҳибқирон!", "Афсона шаҳрим" каби китоблар муаллифи Олқор Дамин 60 ёшга тўлди. Унинг "Наво", "Қўшиқ янграб турсин" китоблари нашрдан чиқиш арафасида.

Фидойи ҳамкасбимизга оилавий бахт, соғлик-омонлик ва ижодий жўшқинлик тилаймиз.

ОЛАМ УЙИНИНГ ЧИРОҒИ — ҚУЁШ

ЕР

Мен Ерман, Ерман,
Боғ бўлсам дерман.
Тупроғимни-чи,
Олтинга бермам.
Мен Ерман, Ерман,
Тоғ, дала, қирман.
Кўзингиздаги
Чиройли нурман.
Мен Ерман, Ерман,
Кўшиқман, шеърман.
Одамлар мендан
Бахт топсин дерман.

МЕҲР-ОҚИБАТ

Дилларни боғ эт,
Вақтимиз чоғ эт,
Кўксимиз тоғ эт,
Меҳр-оқибат,
Меҳр-оқибат!

Камайиб кетма,
Бизни тарк этма,
Дилни ўкситма,
Меҳр-оқибат,
Меҳр-оқибат!

Гул бўлиб очил,
Ҳар ёнга сочил,
Сенга тўймас дил,
Меҳр-оқибат,
Меҳр-оқибат!

КИТОБ

Мен китобман,
Китобман.
Миттигина
Офтобман.
Куйдирмайман
Кўлингиз
Ёритаман
Йўлингиз!

ҚУЁШ — ОНА

Олам уйининг
Чироғи — Қуёш,
Онадек у ҳам
Меҳрибон, ювош.
Олам уйининг
Чироғи — она,
Икки Қуёшга
Бизлар парвона.
Бор бўлсин доим
Шу икки Қуёш,
Улар бор экан —
Олам доим ёш!

ТИШ

Тишингизман, тишингиз,
Нега йўқ ҳеч ишингиз?
Айтиб ўтириш шартми,
Керак-ку ювишингиз.
Бўлмаса ҳеч ишингиз,
Битта қолмай тушамиз.
Бизсиз овқат еб кўринг —
Нима бўлар ишингиз?!

ЖИЛҒА

Шилдираб қирга
Оқади жилға.
Шилдирашлари
Хуш ёқар дилга.

Мен ҳам жилғадай
Куйлайин жўшиб
Жондай халқимни
Шеъримга қўшиб.

ЧЕВАР ҚИЗЛАР ҲИММАТИ

Бахмалсойлик аёлларни кўлигул чеварлар деб айтишади. Чунки улар уй-рўзғор юмушларидан ортиб гилам тўқиш, мунчоқли тақинчоқ, ёстиқ жилдлари, бадиий каштачилик каби халқ ҳунармандчилиги билан ҳам машғул бўлишади.

Манзурахон ҳам келин бўлиб тушгач, қайнонасининг сандиғида тугалланмай қолган сўзана ва бир қанча қадимий нақшларни кўриб, худди йўқотган нарсасини топиб олгандай бўлди. Янглиш хола серфарзанд бўлганидан уй-рўзғор ташвишларидан ортиб сўзанани охирига етказолмаганди. У келинининг бадиий каштачиликка иштиёқи баланд эканини пайқаб, матодаги кашталарга мос иплар топишда кўмаклашди.

Пойтахтдаги "Машҳура" ўқув марказида тахсил олган келин тикаётган сўзанасини кўздан кечираркан, ёнига қишлоқ қиз-жувонларининг келганини ҳам пайқамади. Улар ҳам қараб туришмади. Қизларнинг чаққон ва эпчил ҳаракатланаётган бармоқлари бўлғуси сўзанага гўё бутун меҳри, ички дунёси ва эртанги кун орзу-ўйларини қўшиб тикаётгандек эди. Товланиб турган қуёш, зангори осмон ва камалак ранглари матода ўзгача кўринади. Қишлоқда "Манзурахонга битта сўзана тиктириб олсам, ҳунарини эгалласам" дея орзу қиладиганларнинг сон-саноғи йўқ.

Манзура уйида халқ ҳунармандчилигига иштиёқманд бўлган ёшларга ҳунар ўргатишдек эзгу ишини давом эттирди. Кўп ўтмай тадбиркор Аъзам ота Сулаймонов чевар қизлар оғирини енгил қилиш мақсадида икки қаватли замонавий бинони улар ихтиёрига топширди. Бора-бора цех саҳни сержило гилам, сўзана, дарпарда, бешиқжилд, ўринжилд, келин-куёв либослари каби миллий ҳунармандлик буюмлари билан тўлиб, шогирдлар сафи кенгайиб борди.

Мана уч йилдирки, Ғаллаорол туман "Самарқанд" фуқаролар йиғини ҳудудидаги "Манзура Эшматова" кичик корхонаси устоз-шогирдлик анъаналарини давом эттириб келаяпти. Эндиликда туманнинг Заргарсой, Кўкгумбаз, Хонақа ва Болғали қишлоқларидаги Гулшан Саримсоқова хонадонида гиламчилик, Дилафрўз Ўринбоева хонадонида тикувчилик, Нилуфар Мамаражабова хонадонида бадиий каштачилик курслари ташкил этилиб, уларга юзлаб ёшлар жалб қилинди.

Очиққўнгил ва серғайрат Манзура ҳунар ўргатишдек эзгу ишларини давом эттираркан, ёшларга турмушда учраб турадиган қийинчиликларни енгиш, бунинг учун қунт ва чидам билан меҳнат қилмоқ лозимлигини ҳам алоҳида уқтириб келади. "Ижтимоий ҳимоя" йилида тадбиркор аёл томонидан кам таъминланган оилаларнинг фарзандлари, боқувчисини йўқотган ҳамда меҳр-мурувватга муҳтож қарияларга бир миллион сўмлик ҳомийлик ёрдами кўрсатилди. Маҳсулот ишлаб чиқариш турлари 80 тага, ишчи ўринлари сони 42 тага етказилди.

Яқинда кичик корхонага Хитойнинг "Ямата" фирмасидан шартнома асосида 14 та тикув машинаси, уч турдаги аверлок чоклари учун ускуна ҳамда қўшимча 20 та тикув машинаси келтирилди.

— Ҳунар ҳунардан унар, — дейди кичик корхона раҳбари М.Эшматова. — Ёшлар ўзлари ёқтирган ҳунарни севиб эъзозласа, жамиятимиз учун кўпроқ наф келтирса, ҳурмат-эътибори ортиб боради.

Манзура Эшматова ўз маҳсулотлари билан ҳар йили вилоят кўрик-танловларида қатнашиб келаяпти. "Ташаббус-2007" кўрик-танловининг Президент соврини учун ўтказилган республика босқичида қатнашган ишбилармон ўзининг кўп жиҳатдан устун эканлигини кўрсата олди ва энг яхши тадбиркор йўналиши бўйича учинчи ўринни эгаллади.

Абдулла САИДОВ

ЁЗУВЧИ БИЛАН УЧРАШУВ

Юнусобод туманидаги 274-мактабда "Ёзувчи дарси", шоир ва олимлар билан учрашув ўтказиб бориш яхши анъанага айланган. Яқинда Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ўткир Ҳошимов ўқувчилар даврасида бўлди.

Филология фанлари доктори, профессор Абдуғафур Расулов ёзувчининг ҳаёти ва фаолияти ҳақида сўзлаб берди. Ўзбекистон Республикаси фан арбоби, профессор Собир Мирвалиевнинг "Урушнинг сўнгги қурбони" асаридаги таниш тимсоллар, ёзувчи асарларининг барҳаётлиги тўғрисидаги суҳбати ҳам ўқувчи ва устозлар эътиборини тортди.

Ўқувчилар "Дафтар ҳошиясидаги битиклар"дан ёд айтиб, "Дунёнинг ишлари"дан саҳна кўринишлари намойиш этдилар. Учрашувда "Оқтепа" маҳалласи оқсоқоли, профессор Эркин Турсунов, муаллима Гулчеҳра Каримова ва бошқалар сўзга чиқиб, ёзувчи асарларининг ўзига хослиги ва аҳамияти ҳақида фикр юритдилар.

Маҳмуда ВАЛИЕВА

ПОШХУРТ ҚИШЛОҒИДА



Сурхондарё вилояти Шеробод туманидаги Пошхурт қишлоғида ёзувчи Н.Норматов сценарийси асосида суратга олинган "Чингиз Аҳмаров", "Малик Набиев", "Пошхуртнинг олтин пойдеворлари" номли ҳужжатли филмлар намойиш этилди. "Санъат" журнали бош муҳаррири Нодир Норматов 33-мактаб жамоаси билан учрашувда, "Ранглар, оҳанглар, одамлар..." мавзуида маъруза қилиб, адабиёт ва санъат мухлисларини Ўзбекистон тасвирий ва амалий санъатининг ривожи, буюк сиймолар ҳаёти билан таништирди.

Шундай учрашув Шеробод тумани марказидаги 66-мактабда ҳам бўлиб ўтди.

М.ҚОБИЛОВ

Вилоят театрларида

"ПАДАРКУШ" — КАТТАҚЎРҒОН САҲНАСИДА

Самарқанд вилояти Абдулҳамид Мажидий номидаги Каттақўрғон драма театри ижодий жамоаси Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг "Падаркуш ёхуд ўқимаган боланинг ҳоли" номли асарини жамоатчилик эътиборига ҳавола этди.

Асарни театр режиссёри Зайниддин Омонов саҳналаштирди. Томоша руҳига мос саҳна безаклари иқтидорли мусаввир Зокиржон Қобулов мўйқаламига мансуб.

"Падаркуш" спектаклидаги асосий ролларни театр актёрлари Анвар Қаршибоев, Умрзоқ Тиллаев, Асрор Жумаев, Отабек Мардонов, Даврон Қодиров, Қундузхон Ўсарова, Ҳабибулла Абдуллаев, Бекпўлат Рустамов, Баҳром Нарзиев ва бошқалар маҳорат билан талқин этишаётир. Ҳофиз Ҳожи Абдулазизнинг мумтоз қўшиқлари спектаклга файз бағишлаган.

Маърифатпарвар Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг "Падаркуш" томошаси Каттақўрғон театри ижодий жамоасининг Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллигига туҳфасидир.

Абдуазиз ҲОШИМОВ

МУАССИСЛАР: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВА СПОРТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ

* * *

НОШИР: "ШАРҚ" НАШРИЁТ-МАТБАА АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

ҲОМИЙ: "МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ" АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

O'zbekiston adabiyoti va san'ati

Манзилимиз: Тошкент — 700083, Матбуотчилар кўчаси, 32
Қабулхона — 133-52-91, котибият — 136-56-50

Танқид ва адабиётшунослик бўлими: 133-49-93 Ижтимоий ҳаёт бўлими: 136-58-55
Санъат бўлими: 136-56-48 Назм ва наср бўлими: 136-58-55

Бош муҳаррир Аҳмаджон МЕЛИБОЕВ

Таҳририятга келган қўлёзмалар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.

Навбатчи — Иқбол ҚЎШШАЕВА
Саҳифаловчи — Байрамали МУҚИМОВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.

Босишга топшириш вақти — 20.00. Босишга топширилди — 21.00.

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 058-рақам билан рўйхатга олинган. А — 4776. Буюртма Г — 448. Ҳажми — 5 босма табоқ. Нашр кўрсаткичи — 222. Ташкилотлар учун — 223. 1 2 3 4 5

ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ.

СОТУВДА НАРХИ ЭРКИН